

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЊАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ЎЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ГРАФИКА (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)”, “ДИЗАЙН (ТУРЛАРИ
БЎЙИЧА)”, “РАНГТАСВИР (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)”
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**“ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САЊАТНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил __ _____даги __-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: К.Беҳзод номидаги МРДИ “Маҳобатли рангтасвир”
кафедраси профессори
Худайберганов Рустам Адамбаевич

Такризчилар: **Жанубий Корея Республикаси Конгук университети**
профессори, PhD Kim In Og
К.Беҳзод номидаги МРДИ “Маҳобатли рангтасвир”
кафедраси профессори
Бекмиров Чори Джумаевич

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
Кенгашининг 201__ йил _____даги __-сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	19
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	52
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	61
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	67
VII. ГЛОССАРИЙ	69
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	72

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро тажрибалар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“Тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланиш тенденциялари” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланиш тенденциялари” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланиш тенденциялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- тасвирий ва амалий санъатнинг замонавий концепциясини;
- тасвирий ва амалий санъатда эмоционал таъсирчанликни;

- тасвирий ва амалий санъатнинг эстетик жиҳатларини ва бадиийликни;
- тасвирий ва амалий санъатда шакллар уйғунлиги ва яхлитлигини;
- рангтасвирда реалистик мактабнинг ўрнини;
- тасвирий санъатнинг ривожланиш босқичларини;
- тасвирий санъатда анъанавий ва замонавий услубларни;
- тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланиш тенденцияларини;
- композиция фанини ўқитишда инновацияларни;
- тасвирий ва амалий санъатнинг кўринишларини;
- тасвирий санъатнинг яхлитлиги ва умумий колорити тизимини;
- тасвирий санъат соҳасидаги долзарб масалаларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- тасвирий ва амалий санъатда содир бўлаётган ўзгаришлар ва уларнинг ижобий натижаларини педагогик фаолиятга тадбиқ этиш;
- тасвирийда инсон қиёфасининг мураккаб тасвирини ифодалаш;
- тасвирий ва амалий санъатда асрлар мобайнида шаклланган анъаналарга риоя этиш ва улардан фойдаланиш;
- тасвирий ва амалий санъатда композицион ечим масалаларини ёритиш;
- тасвирий санъатдаги модернизация ва ўзгаришларни, мазмун-моҳиятини етказа билиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- йўналиш ва оқимлардаги услублардан амалда фойдаланиш;
- тасвирий ва амалий санъат бўйича хорижий тилдаги манбалардан фойдаланиш;
- тасвирий ва амалий санъатда умумий яхлитлигига эришиш;
- мумтоз ва замонавий усулларда рангтасвир, графика композицияси ишлаш;
- тасвирий ва амалий санъатида ижодий жараёнлар, технологиялар ва инновацияларни қўллаш;
- тасвирий ва амалий санъатига оид асарларни замонавий усулларда ишлаш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- тасвирий санъатда янги композицион ғоялар устида ишлаш;
- тасвирий санъатда ижодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш;

- Тасвирий, дизайн ва амалий санъатнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий дидни ривожлантириш;
- тасвирий ва амалий санъатда йўналиш ва оқимларни ижодий ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланиш тенденциялари” курси маъруза ва амалий машғулот, кўчма машғулот ҳамда мустақил таълим шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот - коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, бирор бир асарни тасвирлаш каби усуллари қўллаш назарда тутилади.

- кўчма машғулотда Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Амалий санъат музейи, Бадиий академия Марказий кўرғазмалар зали, Ў.Тансиқбоев уй музейи, Карвон сарой кўрғазма зали, Замонавий санъат галереяга ташриф буюрилади ва бирор бир асар танланади. Танланган асарлар машғулотлар сўнгида таҳлил қилинади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланиш тенденциялари” модули мазмуни ўқув режадаги “Арт маркетинг”, “Шакл тасвири психологияси ва идрок қилиш назарияси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар тасвирий, дизайн ва амалий санъатида янги композицион ғоялар устида ишлаш, ижодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш, тасвирий ва амалий санъатнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий дидни ривожлантириш, йўналиш ва оқимлардаги (классик-модерн) услубларини ижодий ривожлантиришга доир касбий **компетенцияларига** эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жумладан				
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Тасвирий ва амалий санъатнинг ўзига хослиги.	2	2	2			
2.	Тасвирий санъатда рангтасвирнинг ривожланиш босқичлари.	10	8	2	6		2
3.	Рангтасвирнинг турли кўринишларида психологик таъсирчанлик ва бадиийлик.	8	8	2	6		
4.	Рангтасвир ва амалий санъатда ижодий тафаккур юрита олиш ва бадиий талқин эта олиш.	10	8	2	4	2	2
Жами: 30		30	26	8	16	2	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маву: Тасвирий ва амалий санъатнинг ўзига хослиги. (2 соат)

Тасвирий ва амалий санъатнинг замонавий концепцияси ва ўзига хос хусусиятлари. Тасвирий ва амалий санъатнинг эстетик жиҳатлари ва бадиийлик. Тасвирий санъатда ижодий услублар.

2-маву: Тасвирий санъатда рангтасвирнинг ривожланиш босқичлари. (2 соат)

Рангтасвир ва амалий санъатда анъанавий ва замонавий услублар. Рангтасвирнинг эстетик жиҳатлари ва бадиий дидни ривожлантириш. Рангтасвир ишлаш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш.

3-мавзу: Рангтасвирнинг турли кўринишларида психологик таъсирчанлик ва бадийлик.

(2 соат)

Рангтасвир санъатнинг ривожланиш тенденциялари. Рангтасвирда классицизм ва реализм.

Рангтасвирда импрессионизм услублари. Компьютер технологиялари, интернет сайтлари ва репродукциялардан фойдаланиш. Тасвирий санъатнинг психологик таъсирчанлиги.

4-мавзу: Рангтасвирда ижодий тафаккур юрита олиш ва бадий талқин эта олиш. (2 соат)

Рангтасвирнинг ижодий услублар. Рангтасвирда фикр ва ғоя. Рангтасвир асарини ўқиш ва талқин қилиш. Рангтасвирда композиция ишлашда технологиялардан фойдаланган ҳолда яратиш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Тасвирий санъатда рангтасвирнинг ривожланиш босқичлари. (6 соат)

Рангтасвир композициясида шакл ва қиёфалар чизма тасвирини бажариш. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар композицияси. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар образини яратиш. Тингловчиларга учун алоҳида махсус хона, рангтасвир ашёлари, мальберт, ҳар хил шакллар ва қиёфалар керак бўлади.

2-амалий машғулот: Рангтасвир санъатнинг турли кўринишларида психологик таъсирчанлик ва бадийлик. (6 соат)

Шакл ва қиёфаларда иссиқ ва совуқ ранглар уйғунлигини яратиш. Рангтасвирда образ ва колорит ечими. Бадий асарда ғоя ва фикр ечими. Махсус хона, рангтасвир ашёлари, мальберт, ҳар хил шакллар ва қиёфалар керак бўлади

3-амалий машғулот: Рангтасвир санъатда ижодий тафаккур юрита олиш ва бадий талқин эта олиш. (4 соат)

Рангтасвир санъатда бадийни асарни ғоявий таҳлил қилиш. Рангтасвир композициясида фикр ва ғоя ечими. Компьютер хонаси, слайдлар, графика, фото альбомларда кўрсатилади ва таҳлил қилинади.

Кўчма машғулот. (2 соат)

Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Амалий санъат музейи, Бадий академия кўрғазмалар зали, Замонавий санъат галереяга ташриф буюриш ва бирор бир асар таҳлил учун танланади. Танланган асарлар машғулотлар сўнгида таҳлил қилинади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1.	Тест;	2.5	0,5 балл
2.	Бадий асар танлаш ва уни тасвирлаш;		1 балл
3.	Мустақил иш.		1 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Ақлий ҳужум” методи

Ақлий ҳужум усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг - ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавобвий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш.
6. Гурўҳнинг умумий жавоби шакллантирилди.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

“SWOT-таҳлил” методи.

S – (strength)

- кучли томонлари

W – (weakness)

- заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity)

- имкониятлари

T – (threat)



- тўсиқлар

Намуна: Рассом ижодкорлар учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Рассом ким ? Бадий асар яратувчи.	Рассом бу тинмай изланувчи ижодкор инсон
W	Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар.	Замонавий йуналишда ижод этаётган таниқли рассом А.Нуридинов асарларида севги, оила, садоқатлик, тарбия ва жамиятдаги фалсафий тамойиллар асосида ижод этаётган ижодкорлардандир
O	Рассомлар чизиқлар, шакллар, ранглар, тасвирий санъат воситалари ёрдамида бадий образли асар ярата оладиган инсонлар. (ички)	Улар тасвирий санъат воситалардан, чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан тасвир орқали ўз ғоясини, фикрини баён эта оладилар.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Рассомларга эркинлик бўлмаса чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан ўз асарларида тасвир орқали баён эта олмайдилар.

“Балиқ скелети”

Натюрморт композициясини “Балиқ скелети” чизмаси Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. 4



**Мисол: “Рассом ижодкорлар” мавзусидаги матн.
Биламиз. Билишни истаймиз? Билиб олдик. (БББ)**

Биламиз	Билишни истаймиз	Билиб олдик
1. Рассом янги ғояда асар яратадиган инсон.	1. Хар бир изланувчи инсонни рассом деб аташ мумкинми?	Илмий амалий изланишларни олиб борувчи, янги усул ва воситаларни қўллай оладиган инсонни рассом деймиз.
2. Рассомлар тасвирий воситалардан, чизиқлар шакллар, воситаларни ўз асарларида тасвир орқали баён эта оладиган инсонлар. Маънавий эстетик тарбияловчи	2. Дунёдаги ғоявий композицияларни тасвирла оладиган рассомлар қаторига кимларни киритса бўлади.	Р. Аҳмедов тасвирлаган асарлар ҳозирги рассомлар учун амалий методик ўқув жараёнидаги ривожланишида фойдаланилмоқда.
3. Рассомлар асарида инсонларни маънавий-маърифий эстетик тарбияловчи инсонлардир.	3. Рассом бўлиш учун нима қилиш керак?	Ўрал Тансиқбоев манзараларини бутун ўзбекистондагина эмас балки европа давлатларида ҳам мароқ билан томоша қиладилар.
4. Рассом бу тинмай изланувчи инсон	4. Ижодий асарларни тасвирлашни паёни борми?	Абдулҳақ Абдуллаев портрет жанрида ижод этган таниқли рассомлардандур.
5. Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар.	5. Компютерда ижодий асар яратса бўладими ?	Замонавий йуналишда ижод этаётган таниқли рассом А. Нуридинов асарларида севги, оила, садоқатлик, тарбия ва жамиятдаги фалсафий тамойиллар асосида ижод этаётган ижкорлардандир.
6. Ўзбекистонлик рассомлар	Ўзбекистонда таниқли методик қўлланмалар, услубий қўлланмалар устида ишлаб келаётган таниқли рассом ва педагоглардан кимларни биласиз?	Ўзбекистонда таниқли методик қўлланмалар, услубий қўлланмалар устида ишлаб келаётган таниқли рассом ва педагоглардан: Б. Бойметов, М. Набиев, О. Эгамов, Р. Худайбергенов, Р. Джалилова


Интерьерда натюрмортни акс эттириш



хонани ички кўринишини переспективада акс этирилади. Тасвирий санъат жанрларидан: натюрморт, портрет, тарихий, маиши анимал кўринишларда фон вазифасини ўтайди.

Интеръерда уйни эшик деразаларнинг шакли, ҳажми, девор ва шифт, полни беагаи ва уй жиҳозларининг беагаи тасвири орқали қайси даврга мансублигини билиб олишимиз мумкин. Интеръер - ички меъморий мухит ҳолати орқали хонадон соҳибасининг диди ҳақида ёки завод цехнинг жиҳозланишига қараб илмий, тараққиёт ҳолати ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Интеръерда натюрмортни переспективада акс этириш, тасвирлаш жараёнлари кўрсатилган.

Интеръер, композицияси мавзусидатасвирий санъат ўқитишнинг замонавий технологиясини қўллаш.



«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («саце» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде қўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичиге куйидагиларни қамраб олади: Ким? (Who), Қачон? (When), Қаерде? (Where), Нима учун? (Why), Қандай? Қанақа? (How), Нима-натижа? (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш

2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ яққа ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Инсерт” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- “Тасвирий ва амалий санъат” бўйича янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, рангтасвир бўйича ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга куйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			

“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар профессор - ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



“Брифинг” - (инг. Briefing - қисқа) Рангасвир бўйича бирор – бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс - конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.

2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бирор бир асарни чизишдан олдин бир шакл сифатида олдин чизилган биор асар масалан: “Монализа” портретини олайлик тингловчилар билан бирга шу асар қачон ва ким томонидан яратилганлиги муҳокама қилинади ва бошқа рассомларни чизган портретитаҳлил қилинади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган янги асар тақдимоти ўтказилади.

“Портфолио” методи.

“Портфолио” – (итал. Portfolio - портфель, ингл. хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув - методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, ҳар бир тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гуруҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

Ҳар бир тингловчи курс мобайнида ўзининг шахсий портфолиосини киритиб борадилар.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР


1-мавзу. Тасвирий санъатнинг ўзига хослиги.

Режа:

- 1.1. Тасвирий ва амалий санъатнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 1.2. Мойбўёқ ва темперали рангтасвир
- 1.3. Мой бўёқли рангтасвир композицияси.

Таянч иборалар: *Тутанхамон мақбараси, Буюк Александр ва унинг триумфи ёки Мартин Лютер, Медузанинг хотиржамлиги, Пьерронинг маъюс кўриниши Ласко ғорида “Авиньонские девицы” картинаси*

1.1. Тасвирий санъатнинг ўзига хос хусусиятлари.



А. Горки. Сад в Хоргома. 1940


Пабло Пикассо “Авиньонские девицы”¹

Асрлар давомида яратилган тасвирий асарлар узок ўтмишдан дарак берувчи ва жамиятда бўлаётган воқеаларни акс эттирилган картиналарни завқ билан томоша қиламиз. Улар билимдан ташқари эстетик завқ олишга ҳам катта ёрдам беради. Баъзи бир расмлар саънат соҳасига мансублигига қарамасдан дунёни маълум даражада ўзгартирди: масалан, Ласко ғорида “Авиньонские девицы” картинаси² қояга чизилган расмлар биринчи одамлар

¹ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 161

² Francisco De Goya (Spanish, 1746-1828)// Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-128

яшаб ўтганлиги ҳақида кўрсатади, улар бизнинг тарихдан аввалги даврдаги тушунчамизни ва билимимизни ўзгартиради. Шунингдек ўрта аср зодагонларини тасвирлаган картиналар ёки жамоатнинг ҳаяжонини вужудга келтирган Пабло Пикассонинг асарлари шулар жумласидандир.



Ўзбек рассомлари томонидан яратилган буюк асарлар ҳар доим хотирамиздан ўчмаслиги аниқ. Миллий тасвирий санъатимиз тарихидан маълумки К.Беҳзод, Ў.Тансиқбоев, Р.Ахмедов, Ч.Ахмаров, З.Иноғомов каби рассомлар асарлари катта аҳамиятга эга. Тасвирий санъатнинг кўп жанрлари: портрет, манзара, жанг, маиший, тарихий шулардандир.

Бу асарлар психологик таъсирчанлик кучи маълум бир тарихий аҳамиятни касб этмайди, лекин маданият нуқтаи назаридан ажойиб санъат асарларининг умумий тасаввурини беради. Биз тасвирлар сахнасига чуқур ёндашамиз ва тасвирланган расмнинг талабларида рассомнинг ички дунёси ва унинг ҳаётий услуби, шунингдек, тасвирланган воқеанинг тарихий аҳамиятини кўрамиз. Бугунги кунда дунёда тасвирий санъатнинг аҳамиятини бутун жаҳонга машхур ва ундан кам бўлмаган санъат асарлари бизнинг даврга сезиларли таъсир кўрсатади.




Дунёни қайта ўйлашга мажбур этган ибтидоий санъат. 100 метр чуқурликда жойлашган Ласко ғорида 1500 дан зиёд ўйилган палеолит тош даврининг расмлари ва 600 га яқин бизон, буғу, буқа ва бош хайвонларнинг табиий тасвирлари

топилган. Шу каби тарихий расмлар бошқа ҳеч қаерда топилгани йўқ. Изланувчилар айтишадики, сўнгги хулосада ўзларидан тарихий санъат музейини бизга мерос қолдирган ҳолда 5 минг йил давомида одамлар шу ғорнинг деворларида қайта-қайта расм чизиб, истиқомат қилишган. Баъзи бир суръатлар жуда катта ҳажмда: катта ғорнинг (Буюк ўтиш жойи) деворларида тасвирланган бир неча буқаларнинг баландлиги 5 метргачадир. Уларнинг табиийлиги ва ажойиб тарзда бизга етказиб берилганлиги бизнинг тарихга бўлган қарашларимизни тубдан ўзгартиради. 19 асрга қадар одамлар ёш болаларнинг ижодига ўхшайдиган беўхшовликдан то назокатли шаклгача, санъатни кам-камдан ва секин-асталик билан ривожланган деб ўйлашарди. Ҳақиқатдан ҳам, 1879 йилда Испания Альтомирада топилган биринчи деворий

расмларни қалбаки деб ҳисоблашган. Кейинги топилмалар, Ласконинг расмларини қўшган ҳолда, барча шубҳаларни ўчириб ташлади: милоддан аввалги 15 минг йилда тасвирий санъат мавжуд бўлган.³

1.2. Темперали рангтасвир

Деворий суратлар (мозаика ва фреска) билан параллел равишда Византия миниатюраси санъатида алоҳида дастгоҳли санъатнинг янги тури пайдо бўлди бу икона, бунинг ҳам асосини кейинги эллинистик санъатдан илдизларини излаш зарур бўлади. Вақтлар ўтиши билан Византиялик усталар инкаустик рангтасвир техникасидан воз кечдилар ва иконачиликдан темпера билан ишлашга ўтдилар.



An exemplary career: Empress Theodora⁴

Темперали рангтасвир фақат Византияда эмас шимолий Европанинг алоҳида масалан Италияда XVI асрда, Россияда XVII аср охирида қўлланди. Темпера бўёғи билан Италия уйғониш даври усталари Леонардо да Винчи, Рафаэл, Кореджо, Микеланджело, Тисиан ва бошқалар ишладилар. Лабораториянинг тадқиқоти натижаларига кўра темпера ва мойли бўёқ билан комбинасияда ишланганлигига гувоҳ беради.

Масалан Де Маерининг ёзишича, Ван Дейк лазур (натурал ултромарин) ва яшилни мой билан эмас бошқа пигментларни ва бошқа (ўсимлик елими) гумма ва балиқ елими ва куритилгандан сўнг лак ўрнига суюқ темпера билан суртилган.

XVIII асрга келиб, темпера бўёғи ҳам қўлланила бошланди. Перенетий луғатида айтилишича (1757) муаллиф боғловчи сифатида клей ва гумма

³ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 12

⁴ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 20

ҳақида гапиради у ҳеч қачон театр декорасиялари ва безаклар сарой ва храмлардаги безаклардан бошқаларида қўлланилмаган.

«Темпера» термини лотинча «аралаштирмақ» маъносини билдиради. Ираклийнинг III трактат китобида айтилишича, шуни билмоқ зарурки, барча ранглар (пигментлар) тоза сувда ювилиши мумкин, қуригач уни тухум ёғи, мой, клейли сув, уксус, вино ёки пиво билан аралаштирилади. Шундай қилиб, аралашгач темпера ҳосил бўлади.

Ченнини икки хил темпера турини ёзади: биринчиси, сариқ оқ ва соки фиго дарахтининг (фиго сути) яъни деворий суратда ишлатувчи ва иккинчиси тухум сариғи - универсал, яъни девор тахта ва темирда ишлатувчи. Бу шундай бўёқ эдики бундан Византиялик эртаициян усталари, Джотто устозлари, шогирдлари бундан жуда ҳам унумли фойдаланиб ишлаганлар.

Вазарий (1550) «Рангасвир ҳақида» ги номли асарининг кириш қисмида ёзади, қайсики бўёқларни аралаштирганлар, тухум сариғи ва темперани қўйидагича: тухумни олиб уни пачоқлаб, унда фиго дарахти нозик қаламчаси (шоҳи) ни туйганлар, бунда сут темпера билан аралашиб қраскага қўшилувчи темперани ҳосил қилганлар ва шу билан ўз асарларини ёзишда фойдаланганлар.

Шундай қилиб, ёзма манбаалар ва олиб борилган тадқиқотлар Европа шимолида аллақачон ва Эйккача маълум бўлган. Нафақат уни билганлар, балки кенг қўллаганлар ҳам. Неаполитанлик ҳайкалтаръёш Массимо Стансионий (1585-1656) эслатишича, унинг она юртида мой бўёқ 1300 йилдаёқ машҳур бўлган. Лоренций Либерти (1378-1455) «Изоҳларида Джоттонинг сифатларини санаб ўтиб у ҳамма нарсада жуда унумли ижод қилган, фреско ишлаган, деворда мой бўёқда тахтада ҳам бемалол ишлаганини таъкидлаган».



A Roman copy of a Greek Aphrodite⁵

⁵ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 54



The birth of Venus⁶

Ченнини трактатлари ҳеч шубҳа қолдирмайдики, илк уйғониш даври усталари «сарик» темпера билан ишлаган бўлсаларда, мой бўёқни нафақат билганлар ва фойдаланганлар ҳам.

Бир неча юз йил мобайнида мой бўёқли рангтасвир италиян усталарининг эътиборини тортади. Филаретий (1464) бунда ўз китобидан ёзади: барча бўёқлар (темпера)ни ҳаммасини мойда ҳам ишлатиш мумкин лекин бу бутунлай бошқа иш ва бошқа усул ундан ким фойдаланишни билса у жуда яхшидир. Бу манерада Германияда, айниқса, Брюсселлик Ян ва уста Рожер (Ян ва Эйк ва Рогир Вандер Вейден) лар бу бўёқларни мойда ҳам жуда қойил мақом қўллаганлар. Шундай қилиб Филаретий ҳам Эйкнинг замондоши бўлсада, унинг янги техника ихтирочиси сифатида ҳеч нарса айтмайди. Улар бу техника импрессионизмнинг асоси ҳисобланади.

1870 йили Моно Ажантиёда бутунлай янги техника яратди. Тоза бўёқларни локал рангтасвир сифатида алоҳида мазоклар билан берди. Буни у асосан манзара жанрида ишлаган. Биринчи рус рангтасвирчилари Европадан ўргандилар ва лекин дастлабки ўн йилликлар ичида уларда алоҳида янгилик кирита олмадилар.

1.3. Мой бўёқли рангтасвир

Мой бўёқли рангтасвирнинг келиб чиқиши ва аҳамияти мураккаб ва кўп спектрли. Мой бўёқли рангтасвирнинг яхши ҳолда эволюсион характерда эмас, темперали боғловчидан аста-секин мойбўёқлиги ўтган ҳам эмас ва яна бу катта бурилиш ҳам эмас XV асрда ЯН ва ЕҮК томонидан қилинган ва янги техника афсоналар деб номланган. Қуритувчи ўсимлик мойидан антик санъат давридаёқ қўшиб ишлаганлар. Плений бир неча бор бу ҳақида такрорлаганидек, лнян мойи ва қопловчи лакдан боғловчи материал сифатида фойдаланилган. Барча бўёқларни бир мой билан ювиш ва худди шу мой билан ёзилади, тахтага бунда бўёқлар берилгандан сўнг қуритилиб яхши қуритилгандан сўнггина бошқаси берилади. Бу албатта картиналарни ёзишда ишлатилади, бу усул иконаларни ёзишда зерикарли.

⁶ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 55

Ираклийнинг трактатида барча бўёқлар ўсимлик мойи билан қўшилади деб ёзади. Лаборатория тадқиқотчиларининг кўрсатишича Италия картиналарида инкарнат XIII-XV асрларда яшил-ёруғ (подмалевка) аралашмадан фойдаланиш йўлга қўйилган. Яшил гил тупроқ тоза ҳолда ёруғ рух белиласи аралашмаси (бинафша ва сариқ - яшил рангларни бир неча қоришмаларини берилади). Тўқ подмалёвкага охрани суюғини бирваракайига яхлит бериш усулидан ҳудди Византиялик усталар каби Италиян рассомлари ушбу усулдан ҳам анча мувоффақиятли фойдаланганлар. Ҳажми беришда қисқа штриховка ёрдамида беркитувчи бадий манзараларни бўёқлар билан асосини оқ ранг ташкил этган. Бунда сариқли темпера билан ишланар экан улар Вазари кўрсатиб ўтганидек «Доим мўйқаламнинг учи билан ишлаганлар». Бу усулда мумкинки, кўркмасдан таглик рангга зарар етказмай, яшил подмалёвкadan анча оғир сояларни ёруғ рангларга қора ёки жигарранг пигментларни қўшиб ўтирмай олиш мумкин. Бу ерда ёритишнинг оптик самараси яшил рангнинг алоҳида ёруғ-соялари, бинафша тана рангини қўшиш орқали ва нейтрал фон билан қоплаганлар.



Zwei Wetterhexen (Two Witches)⁷



Италиянинг икки юз йиллик даврларида турли бадий марказлар учун характерли бўлиши учун ҳудди шундай ишлаган эдилар, Италия рангтасвирини сарчашмаси бошида турганлар. Ченнини кийимларни тасвирлаш ҳақида ёзиш борасида турли бўёқларни аралашуви ҳақида гапирилмайди. Бу тасодифий эмас, чунки Ираклийнинг трактатларида аллақачон рангли қоришмаларнинг тайёрлаш ҳақида айтиб ўтилган ва бунда асосий эътибор аралашмаларнинг қўлланиши ҳақида эмас, балки уларнинг тузилиш принципи ҳақида тўхтаб ўтилган.

Le Dejeuner sur l'herbe⁸

Шундай қилиб, ҳудди Ченнини каби Ираклийнинг трактатларида ҳам Рух белиласи (Цинковая белила) билан турли пигментларнинг аралашмалари ҳақида гап боради.

⁷ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 73

⁸ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 141



Темперали рангасвир асарини яратишнинг мураккаб технологик жараёни (желтковая эмульсия) эмульсияни боғовчи сифатида фойдаланиш билан ўзгариб қолмади. Гарчи, тухум оқи камед (гумми) ёки ҳайвонот клейи (мездров или ребем) Византия, Италия ва рус ҳамда Ғарбий Европа усталари

томонидан қўлланилган бўлсада китоб миниатюраси ва қоғозда пергаментда ёки тахтада бажарилган тухум сариғи билан артиш тавсия этилмайди.

XII аср бошига оид бўлган Теофилнинг (Германияни шимолида яшаган) «Ёзишма» сида шимолий Европа рангасвир усталарининг технологик хусусиятларини акс эттирувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Тахтада рангасвир ишлашга бағишланган бобида Теофил ёзади: «Агар сен ўз ишингни ривожлантирмоқчи бўлсанг елим (камед)» ол қайсики олча ва олхўри дарахтларидан ишлаб чиқарилади ва бу аралашма билан барча бўёқ ва аралашмаларни, тухум оқи билан тозаланадиган суюқ руҳ белиласи ва карлиндан ташқари ювиш тозалаш мумкин.

Рангасвирни клейли бўёқлари билан грунциз холстда ишлаш Европада XV-XVI асрларда кенг қўлланилади. Айниқса Нидерландия ва Германия унинг камровлиги жуда ҳам мустаҳкам эмаслигида изоҳланади. Шундай бўлса-да, машҳур рассомлар бу техникага иштиёқ билан ёндошганлар.

Брайгелнинг шу техникада бажарилган «Сифинтириш» (Брюсселдаги ноёб санъат музейида сақланади) картинасида ҳам холстда 121x168 см катталиқдаги икки қисм тикилган. Картина ҳам пигмент боғловчи буюм сифатида ҳақиқатдан.

Назорат саволлари

1. Шакл ва қиёфаларда иссиқ ва совуқ ранглар уйғунлигини ажратиб беринг?
2. Рангасвирда образ ва колорит ечими қандай акс этади?
3. Бадий асарда ғоя ва фикр ечими ҳақидаги фикрингиз?
4. Мой бўёқли рангасвирга қайсилар киради?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Paintings: that Changed the World. -Munich. Berlin, London, New York. - 2003.
2. Andrew Paquette. An Introduction to Compyuter Graphic for Artist.- Springer Publihing Company, Incorporated, USA 2013
- 3.Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception:A Psychology of the Creative Eye.- Univercity of Californiya Press, USA 2004

2-мавзу. Тасвирий санъатда рангтасвирнинг ривожланиш босқичлари.

Режа:

- 2.1. Рангтасвирда анъанавий ва замонавий услублар.
- 2.2. Рангтасвирда психологик таъсирчанлик.
- 2.3. Рангтасвирнинг эстетик жиҳатлари ва бадий ривожланиши.

Таянч иборалар: *Монументал рангтасвир, меъморчилик , мўъжаз санъат асарлари, дастгоҳли рангтасвир асарлари, графика, ҳайкалтарошлик, қўлёзма тўпламлари*


2.1. Рангтасвирда анъанавий ва замонавий услублар.

Жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида тасвирий санъат пайдо бўлди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқелиқдаги гўзаллик, қулайлик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Синфий жамият вужудга келиши билан эса ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди; ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва санъат ривожиди муҳим аҳамият касб этди.

Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлди. Санъат эса ўзининг ўзига хос хусусиятини, синфийлигини намоён этиб, ҳукмрон синфнинг идеологиясини тарғиб этувчи кучли ғоявий қуролга айланди. Лекин шунга қарамай, омма орасидан етишиб чиққан истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-истакларини, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуши, мулк ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларни камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик ёрқин келажакка интилишга даъват этди. Ҳақиқатдан ҳам инсоният яратиб қолдирган маданий қадриятлар оддий бойликлар бўлиб

колмай балки ўзида инсон ақл-заковати, ҳаёт тўғрисидаги фикр - ўйларини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир.

Жаҳон санъати тарихини ўрганиш унинг тараққиёт қонунларини тушуниш нодир ёдгорликлар билан танишиш, ўтмиш одамларнинг ҳис туйғу ҳаётий тажрибаларини ўрганиш ғоявий-эстетик қарашларнинг шаклланишини билиш демакдир. Бу сўзсиз, кишиларда ҳаётий тажрибаларнинг бойишига, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндошишга ёрдам беради. Тасвирий санъат турларига рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик киради.



Рангтасвир тасвирий санъатнинг энг муҳим турларидан бўлиб, махсус полотноларга, деворларга ишланади. Тасвирий ва амалий санъат асарларида ифодаланган мақсад ва мазмунни очиб беришда ранг муҳим ўрин эгаллайди.

A Baker and His Wife⁹

Тасвирий санъат турлари ҳар хил бўлиб рассомлар ўз ижодида турли жанр ва оқимларда асарлар яратиб келганлар. Жумладан:

Академизм - академик услубга оид бадиий йўналиш.

Автопортрет (грекча сўздан. Outos - ўзим) - рассом ўзини-ўзи тасвирлаган портрет. Бу ҳолда рассом ҳам, тасвирдаги шахс ҳам бир кишининг ўзидир.

Абстракционизм – мавҳум санъат асарларини ўз ичига олган бадиий йўналиш.



Авангардизм - XX асрда пайдо бўлган, янги шакл, услуб, усул ва бошқа тасвирий воситалар асосида ихтиро қилувчи, изланувчи (баъзида бу сўз билан янги бадиий йўналишларни ҳам аташади).

Dance (first version)¹⁰

Натурализм - тасвирий санъат йўналишларидан бир бўлиб, тасвирловчи, тасвирланаётган нарсаларнинг биринчи галда ташқи кўриниши, сиртқи суратини тасвирлаш лозимлигини мақсад қилиб қўяди тўғридан тўғри шаклни кўчириб тасвирлайди.

⁹ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 17

¹⁰ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 163

Классицизм Аҳманийлар давлатининг барҳам топишига сабаб бўлган Александр Македонский босқинчилик юришлари (эр.аввалги 334-326 йиллар) Марказий Осиё маданияти ва санъати тарихида янги давр эллинизм даври бошланишдан дарак беради. Эллинистик анъаналари Бактрия санъатида (Далварзинтепа, Халчаён, Кампиртепа, Эски термиз) яққол намоён бўлди. Суғд ҳамда Хоразмнинг бадий маданиятида бир мунча камроқ ўз ифодасини топган. Антик дунё даврида меъморчилик, ҳайкалтарошлик, деворлардаги мажозий рангасвир санъатининг энг кўп тарқалган ва характерли турлари бўлиб қолди.

Қадимги Ўзбекистон тасвирий санъатининг сюжет негизлари ягона бўлгани ҳолда улар турли минтақаларда турлича талқин қилинарди. Хоразм санъати бетакрор бўлиб, ўзига хос композицион режаларга эга будда мавзуларига оид ишлар учрамайди.

Ўрта асрлар бошларида Ўзбекистон худудининг бир қисми Турк хонлиги таркибига кирган. Бу даврдаги бадий ҳунармандчилик асосан металлдан ясалган маиший буюмларда ўз аксини топган бўлиб, уларда сосонийлар ва Узоқ Шарқ санъати анъаналари ўзига хос тарзда уйғунлашган. Ўрта асрлар бошидаги деворлардаги нақшлар тасвирнинг мураккаблиги, композициянинг бойлиги ва рангларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Суғдда қора пластика ва кандакорлик санъати анча тараққий этганди. Бир қатор ҳайкаллар турлари ишлаб чиқилиб, уларнинг бир қисми диний, бир қисми эса – эпик образлар билан боғланган.

Суғддаги жасадлар кули солинган хокдонлар ҳар хил қабарик тасвирлар туширилган тоштобут қора пластиканинг алоҳида турини намоён қилади.

Эрамизнинг VII-VIII асри бошида Ўзбекистон худудида тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланишида ўз таъсирини кўрсатган ислом дини кенг тарқала бошлади. Марказий Осиёда шу муносабат билан антик ва Ўрта асрлар бошидаги меросга муносабат ўзгарди.

XI аср ўрталарига бориб санъатда нақшли - безакли негиз тўла устунлик қилди. Деворлардаги нақшлар ва ҳайкалтарошлик амалда барҳам топиб, бадий ҳунармандчилик биринчи ўринга чиқди. Ўзбекистон аҳолисининг маиший турмушидан кенг ўрин олган, IX – XII асрларда Бухоро, Самарқанд ва бошқа бир қатор шаҳарларда қўлёзма ҳаттотлиги китобларни безаш санъати ва муқовачилик ғоят ривож топди. Қадимги қўлёзмаларнинг бадий безатилиши жимжимадор ҳуснихат билан нафис нақшларни ўзида бирдек мужассам этганди. Бу ерда Шарқ миниатюра рангасвирининг ажойиб бадий мактаблари таркиб топди.

Портрет жанри. - Инсон қиёфасини ички психологик олами билан боғланган ҳолда аниқ бир образда яратилиши портрет санъати деб юритилади. Портретда инсоннинг тўла гавдаси, ярми ёки юз қиёфасининг фақат ўзи ҳам бўлиши мумкин. Портрет санъатини яратишда бебаҳо ютуқларни қўлга киритган буюк рассомлардан Камолиддин Беҳзод, Леонардо да Винчи, Рембранд, шунингдек, ўзбек рассомларидан Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров ва бошқа бир қанча рассомларни мисол келтириш мумкин. Портрет яратиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, инсоннинг анатомик тузилишидан тортиб ички руҳий, маънавий, шунингдек, ташқи кўринишидаги барча жиҳатларини акс эттириши санъат даражасидаги асар бўлиши мумкин.

Анимал жанри - ҳайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат тури.

Маиший жанри - жамият ва шахсий ҳаётдаги кундалик турмуш тарзини ўзида акс эттирувчи тасвирий санъат жанри. Бу жанрда рассом (хайкалтарош)



ўз замонасидаги кундалик турмушда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни, одамларнинг яшаш тарзи, дам олиши, меҳнати ва спорт билан шуғулланиши, хуллас уларнинг кундалик фаолияти бу жанрнинг мазмунини ташкил этади.

Bathers at Asnieres¹¹

Манзара жанри - Тасвирий санъатнинг лирик жанрларидан бири, унда реал ёки ҳаёлий табиат кўринишлари орқали рассомнинг ҳис туйғулари, уй ҳаёллари, орзу истаклари ўз ифодасини топади. Бу жанрда инсон фаолияти билан ўзгариб бораётган табиат манзаралари, меъморий қурилмалар, тоғ манзаралари, денгиз тўлқинлари тасвирланади.

Баталь жанри (франц. bataille - жанг), жанг ва ҳарбий ҳаётга бағишланган мавзудаги тасвирий санъат жанри. Ўтмиш ва бугунги кунда бўлаётган жанг воқеалари (шунингдек денгиздаги жанг воқеалари), ҳарбий юришлар, жангчилар ҳаётидан олинган сюжетлар бу жанр мазмунини белгилайди. Бўлаётган жангнинг муҳим пайтлари, унинг моҳиятини, тарихий дамларини тасвирлашга интилиш бу жанрни тарихий жанрга яқинлаштиради ҳарбий жангчилар ҳаётига боғишланган асарлар эса маиший жанрга яқинлаштиради.

¹¹ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 145

Натюрморт (франц. nature morte, итал. natura morta, улик табиат) инсонни ўраб турган борлиқ — турли буюмлар, овда отилган қуш ва ҳайвонларнинг жонсиз таналари, ов, меҳнат ва жанг қуролилари, гул ва мевалар ва бошқа шунга ўхшаш буюмларларни ўзида акс эттирадиган тасвирий санъат жанри.

Декоратив санъат — уй-рузғор буюмларини бадиий жиҳатдан ишлаш, биноларнинг ташқи ва ички томонларини безаш.

Архитектура биноларидаги безак, нақшлар, декоратив скульптура, мозаика, витраж, турли материалларга ўйиб ишланган нақшлар декоратив санъатга киради.

Монументал (маҳобатли) рангтасвир - Меъморлик санъати билан боғлиқ булган рангтасвир асарларини монументал (маҳобатли) рангтасвир деб юритилади. Монументал рангтасвир меъморчилик мажмуида маълум миқдорда безак вазифасини утайди, шунинг учун ҳам у монументал-декоратив рангтасвир деб ҳам юритилади. Монументал рангтасвир меъморчилик билан боғлиқ бўлиб, улар уйларнинг деворларини, шифтларини безашда қўлланилади. Катта ҳажмда узоқдан кўришга мўлжалланганлиги учун булар яхлитлаштирилган ҳолда ишланади, ранглар ҳам шартли равишда олинади.

Деворий рангтасвир (роспис) Архитектурани безашда маҳобатли рангтасвирнинг бир неча турлари мавжуд: яъни, альфреско (фреско, темперали расм), рим мозакаси, флоренция мозайкаси, сграффито, рангли сувоқли инкрустация, рангли левкас, классик витраж, алюминий арматурали витраж, елимланган витраж, бетонла витраж, куйма витраж, мозайкали витраж, кундал, силикатли рангтасвир ва бошқалар ҳисобланади.

Мўъжаз санъат асарлари турли мамлакатларда шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида жуда ҳам қадим замондан тараққий этиб, қадимий қўлёзмаларга ишланган. Чунончи, Алишер Навоийнинг "Хамса" асарларига ишланган расмлар бунга мисол бўла олади.

Дастгоҳли рангтасвир асарлари кенг тарқалган бўлиб, махсус матолар, картон, ёғоч, ромкага тортилган мато-холст ва шу кабиларга ишланади. Дастгоҳли рангтасвир мойбўёк, гуашь, сувбўёк, темпера бўёқларида махсус дастгоҳларга ўрнатилиб ишланади.

Графика - лотинча "графо" сўзидан олинган бўлиб, "ёзаман", "чизаман" деган маънони англатади. Тасвирий ва амалий санъатнинг бу турига оддий ва рангли қаламда кўмир, пастель, сангина, сувбўёк, гуашь ва тушда ишланган безаклар, турли плакатлар, ҳажвий расмлар ва ҳаказолар киради.

Ҳайкалтарошлик - тасвирий санъат турларидан бири. У лотинча "скульпто" сўзидан олиниб, қаттиқ материалларга "қирқиш, кесиш, ўйиш, тарошлаш" орқали ишлов бериш маъносини англатади.

Икона санъати қоидалари христиан дини билан унинг анъана ва қонуниятлари билан боғлиқ равишда кириб келган. Лекин бу санъатга албатта Византия тимсоллари ва Византия анъаналари манбаа бўлиб хизмат қилган.

Амалий санъат. Наққошлик

Ўрта аср Ўзбекистонининг безак санъатида ранг ва нақш рамзийлиги биринчи ўринга қўйилади. Қайси бир тасвири олмайлик унинг замирида, албатта, қандайдир рамзий маъно яширинган бўлади. Ғоят мураккаб нақш композициясини бунёд этар эканлар, мусаввирлар маълумотли киши бир қарашдаёқ илғаб олиши мумкин бўлган яхши тилакларни акс эттирганлар. Хусусан, нақшдаги рангларнинг ўзларига хос маънолари бўлган. Масалан, гулсафсар осойишталик ва умр узоқлик тимсоли, тулкинсимон гул пояси — бойлик ва фаровонлик тимсоли, новда ва япроқлар эса тукинчилик ҳамда табиатнинг баҳор чоғида уйғонишини англатган. Безакли нақшу нигорлар мусаввирларнинг она табиатга чуқур муҳаббатларини ифода этиб, уларнинг жушқин ҳаёт билан доим ҳамнафас эканликларини билдирган.



Гуллар ва нақхилар борасидаги халқ тасаввури доим сеҳр-жоду, ақида-лар, урф-одатлар ва панд-насихатлар билан коришиб кетган. Масалан, оқ ранг бахт ва омадни билдирган, зангори ранг — олий эътиқодни, қизил ранг — хушчақчақлик ва шодликни ва ҳоказо. Ранглар бир-бирига чаплаштирилмай, ҳар бири ўз ҳолича ғоят тиниқ берилсада, хатто бир-бирига энг зид ранглар ҳам қандайдир яхлитликка эга бўлган.




Ранглардаги бу рамзийлик Ўзбекистан халқларининг либосларига, заргарлик буюмларига, уй-рўзғор ашёларига ва уй-жой безакларига ҳам ўзвий равишда кўчиб ўтган.

Безакли санъатнинг энг кенг тарқалган шакли булмиш орнамент (нақш, гул, расм) башарият маданиятининг ҳамма босқичларида унга ҳамроҳ бўлиб келган. Унинг энг оддий принциплари — бўлар уйғунлик, бир-бирига мутаносиблик йўсин ва усулларнинг қайта-қайта такрорлашуви. Нақш (расм) даги йўсин (мотив) лар аксарият барқарор бўлиб, ўзининг орнаменталлик шаклини йўқотмагани ҳолда бир буюмдан бошқа буюмга кўчиб юради. Бу хилдаги нақшу нигорларга кўпроқ хос бўлган мотивлар мебелларда,

уй-жой, рўзгор ашёларида, девор ва шифтга ишланган кенг ҳажмдаги безакларда яққол кўринади.

Орнамент деганда биз нимани тушунамиз? У санъат намуналарининг шундай бир системасики, бу система маълум бир сатҳда ўзаро мутаносибликни катъият билан жорий этиб, томошабин диккати уни ўзига тортади.

Ҳар бир янги деталь, ҳар бир мотив турли тарихий босқичлар давомида ўзининг табиийлигини йукотмади, уларнинг ҳар бири устида пухта фикр юритилди, уларнинг ҳар бири ўзгача маъно касб этди, ҳар бир шакл замирига маълум рамзий маъно сингдирилди.



Темур ва темурийлар даврида санъатнинг барча тури, жумладан, безакли нақшу нигор юксак даражада камол топди. Бу даврда дунёвий санъатда ис-лом таъкикларини бартараф этишга интилиш кўзга ташланади. Воқеабанд (сюжет) нақшу нигорлар кайтадан жонланди. Ҳатто эндиликда у биргина миниатюра соҳеида эмас, балки монументал санъатда ҳам ривож топди. Темур буйруғи билан тикланган саройларнинг деворларида тўйлар, машшоку мутриблар, амирнинг ўз расми, малика ва уларнинг қариндош-уруғлари, уруш ва шаҳар муҳорабаси, ҳукмдорлар, аъёнлар ва олимларни қабул қилиш маросимлари тасвирланди. Ўрта аср муаллифларининг шоҳидлик беришларича, Улуғбек расадхонасида ҳам тасвирий манзаралар бўлиб, уларда туккиз қават осмону етти қават ер, собиту сайёралар, тоғлар, денгизлар, саҳролар ва ҳоказолар акс эттирилган.

Бу давр тасвирий санъатининг асосий вазифаси ҳукмдорнинг куч-қудратини, сарватини, ҳарбий шавкатини улуглашдан иборат бўлган.

2.2. Тасвирий санъатда психологик таъсирчанлик.

Рассомнинг альбомдан ўрин олган асарлари унинг ижод йўли ва бадиий образлар олами, қизиқишлари, мавзулари билан яқиндан танишиш имконини беради. Улар воситасида биз туғма истеъдод соҳибасининг ижодий изланишлари ва санъаткор сифатида шаклланиш жараёнини кузатишимиз мумкин.

“Манзара жанрида барча рассомлар ижод қиладилар бироқ, манзарачи рассом сифатида эса ягона рассомгина бу йўналишни танлаши, фақат шу йўналишда ижод қилиши мумкин”.- деб айтган эди Ўзбекистон бадиий академияси раиси, Ўзбекистон ҳалқ рассоми Акмал Нур.



Бугунги кунда Н.Гилманова ҳам ўзининг манзара жанрида ижод қилиб келаётган истеъдодли рассомлардан биридир. Унинг бу йўналишда бетиним ижод қилиши ва йиллар давомида қилган меҳнатининг натижаси унинг асарларида ўз аксини топган.

Н.Гилманова. Католог. 2014¹²

Манзарачи рассомнинг ижодидаги тоғлар ва дарёлар, шаршаралар, тинч гуллаётган водийлар, мусаффо чашмалар, кузнинг сокин лавҳалари – бу рассомнинг севган мавзуларидир, ҳар бир асарда бошқача ранглар уйғунлиги, фасллар жозибаси ўз аксини топади.

Манзара – ўзига хос жанр. Уни узоқдан туриб англаш зарур, зеро шу йўл билангина бутун бир шаклни кўриш, руҳиятини ҳис қилиш мумкин. Рангтасвир ҳақида фикр юритувчилар: шундай тоғ ва дарёлар борки, улар орасидан ўтса бўлади, шундайлари борки, уларга кўз узмай тикилса бўлади. Яна шундайлари борки, у ерларда сайр қилса, унда яшаса бўлади дейишади. Айнан шундай асарни ҳақиқатдан ҳам нафис ва руҳиятимизни хушнуд қилади.

Рассомлар табиат қўйнига чиқиб асар яратишни хуш кўрадилар. Табиат ҳар бир ижодкор учун илҳом манбаи. Рассом бир масканда бир неча бора бўлса-да, унинг учун бу маскан ҳар доим ўзининг турли қирралари билан намоён бўлади. Рассом ўзининг янгидан-янги асарларини назаримизда бир нуқтадан яратаётгандек бўлса-да, уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди ва ўзига яраша жозибалидир. Балки, бу табиатнинг нақадар ўзгарувчанлигининг исботидир. У доимо сукунатга тўла. Лекин, шунга қарамай тоғ ён-бағирлари сувнинг шивирлаши-ю, тоғлардаги акс-садо ўзига хос бир мусиқани яратади. Тоғлар табиати ҳам ўзгарувчан балки, шуниси билан ҳам рассом учун қизиқарлидир. Рангтасвирчи табиат қўйнида бўлганида ҳаёлидан ўтган руҳий ҳолатлар шиддатини ўз манзараларида: тоғлар, дарёлар ва булутлар образлари силсиласида ифодалайди.

12 Н.Гилманова. Католог-2014. 6-10


Тасвирий санъатда кўплаб жанрлар бор. Ана шуларнинг ичида энг кўп меҳнат, умуман манзара жанрига бошқача бир муносабат талаб қиладиган бир жиҳати борки, у ҳам бўлса, рассомнинг табиатга бўлган муносабати. У ўз асарларига юраги, муҳаббатини бера олган рассомдир. Унинг асарларидаги сокинлик, табиатни энг илғаш қийин бўлган қирраларини сеза билиши яққол кўринади. Асарларни томоша қилган ҳар бир мухлис гўё табиатнинг у яратган гўшасида ўзини ҳис қилиши, табиатнинг бундай гўзаллигидан асарга қараб баҳра олиш мумкин. Асарларда табиатни ўз кўринишида эмас, балки яратаётган ҳар бир асарига ўз нуқтаи назари, дунёқараши орқали қалбини, меҳрини бериб ишлайди. Табиатнинг ҳар фаслидан, ҳар лаҳзасидан илҳом олади.



The Polar Sea¹³

2.3. Рангтасвирининг эстетик жиҳатлари ва бадий ривожланиши.

Инсон ҳис туйғулари, кечинмалари, борлиқдан ташқарида бўлган нореал воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввур ва хаёлларини чизиқлар, ранглар, оқ қора буёқларда, ҳажмли ёки ҳажмсиз, рангли ёки рангсиз шаклларда бирор юза ёки маконда акс эттириш санъатига тасвирий санъат дейилади.



Тасвирий санъат асарлари танланган материаллар (ашёлар), тасвирлаш услубига биноан графика, рангтасвир, ҳайкалтарошлик турларига ажратилади. Бу санъатнинг ҳар уч тури ўз аро бир бири билан боғлиқ, лекин уларнинг ҳар бирининг ўзига хос томонлари, специфик хусусиятлари, тарихи бор.

¹³ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 131

Тасвирий санъат ривожланиши тарихи асрлар оша кўп босқични босиб ўтди. Форлардаги расмлардан бошлаб замонавий услублардан фотореализмагача бўлган катта босқич давомида ҳар хил жанрлар ва услублар шунга мисол бўлаолади. Айниқса Уйғониш даврига келиб тасвирий санъатда юксакликка эришилди. Европада таниқли рассомлар ижодини кузатсак уч ўлчамли тасвирлар вужудга келди. Рассомнинг яратган асариди образлар, атроф муҳитни акс эттириш даражаси, асарни томошабин оддий идрок қилишига асло қийинчилик туғдирмайди.



Mona Lisa (La Gioconda)¹⁴

Ҳар хил рассомлар авлодининг портрет ва манзара жанридаги асарларини бир бири билан таққослаганимизда ҳам ҳар хил ёндошишини кўрамиз.



Маиший жанр давр воқеалигини тасвирлашда ўз имкониятининг чегараси кенглиги, ўзига хослиги бир жанр доирасида ҳар хил санъат кўринишларини мужассамлаштириш имкониятига эга бўлганлар. Бундан шунни такидлаш керакки “маиший рангтасвир” термини кенг доирадаги рангтасвир. Чунки шу жанрда бошқа жанрлар кўриниши ҳам қатнашади.

Фақат маиший жанрда замонавий асар яратиш билан чекланмай балки бошқа портрет, натюрморт, манзара, жанг, тарихий жанрларда ҳам бадий

Henry VIII¹⁵ аҳамиятга эга бўлган асарлар яратилган. Портрет, натюрморт ёки манзара жанрлари имконияти бир қарашда чеклангандай бўлгани билан ҳар доим давр характерини, вақт муҳитини кўриш чегараси чекланмаган. Рангтавирчининг якка дастхати, усули, ташқи кўриниш услуби, воқеаликни тасвирлашдаги ҳар хиллаги ўзига хосдир. Маиший жанр орқали замонавий мавзудаги воқеаликни икир чикиригача тасвирлаш эмас, балки энг муҳим томонларини, инсонни руҳлантирувчи, келажакка чорловчи, интилувчан руҳда тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир

¹⁴ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 63

¹⁵ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 79

Тасвирий санъатда замон руҳини тасвирлашда рассом олдида ўзгача катта вазифалар туради. Рангтасвир маиший жанри орқали инсонлар, воқеалар, даврнинг энг муҳим томонларини тўлақонли ва кенг ёритиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Санъат тарихидан маълумки шу жанр орқали шу даврнинг маданияти, руҳи очиб берилган. Жаҳон рангтасвир санъатида Голандия XV11 аср Франция ва Россия XIX аср картиналари шундан гувоҳлик беради.

Тасвирий санъатда замонавийлик тушунчаси деганда баъзан мода тушунчаси билан алмаштирадилар. Замонавийликка интилиш остида ёрқин кўзга ташланишни, юзаки ноанъанавийликни тушунадилар. Бу



англашилмовчилик замонавий ҳаётни, ҳақиқатни бузиб кўрсатиш тушунчасига, санъат талабларидан воз кечишга олиб келмаслиги керак. Бизнинг давримизда ҳам санъат замонавийлиги талаби мажбурияти фактдир. У кўп нарсалар ҳақида гувоҳлик беради. Санъатнинг оммабоплигини ошириш вазифаси, мавзунинг муҳимлиги, тасир қилиш даражаси, унинг моҳияти, ҳаётни кузатиш позицияси рассомлар назарида бўлади.

The Allegory of Painting¹⁶

Бу муаммоларни ечишда енгил йўл йўқ. Замондошларимизнинг ҳаётини, интилишини, фикр ғоясини, дунёқарашини асарлар яратиш орқали кенг оммага таъсир қилиш кучи санъатга ҳам боғлиқдир.



Self-Portrait with Bandaged Ear¹⁷

Европалик рассомлардан О.А.Кипренский, Дюрер, Кранах, Ван Гог каби рассомлар яратган портретларда омпозиция, характер ва ранглар уйғунлигини кўришимиз мумкин. Инсон образини,

¹⁶ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 107

¹⁷ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 147

характерини очиб беришда рассомлар ҳар хил услублардан фойдаланганлигини кўрамиз.

Рассомнинг бадий ғояси қанчалик буюк бўлмасин мазмун ва шакл бир - бирини тўлдирмаса, хизмат қилмаса, бундай бадий асар бўш ва амалга оширилмаган ҳисобланади. Мазмун ва шакл - бир бутуннинг, яхлитликнинг икки томонидир. Катта реалистик бадий картинани томошабин биринчи қарашидаёқ мазмун, сюжет, қақромонлар руҳиятига кўмилган шаклларни сезмайди, фақат бироз вақтдан кейин шалларнинг ишловига, колоритига ва ранглар фактурасига эътибор берабошлайди.

Рангтасвирда шакл ва мазмун моҳияти, тус ва ранг муносабатлари, нур-соя ва ранг муносабатларини белгилаш услублари, рангтасвир асарини ишлаш жараёнидаги кўзнинг кўриш қобилияти ёки кўриш ҳис туйғусининг ўзига хосликлари билан боғлиқ умумий рангтасвир, шу билан бирга тус ва ранг муносабатлари, уларнинг натурага пропорционаллик хусусиятлари, ўзаро таққослаш каби масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Рангтасвир - мураккаб ва кўп меҳнат талаб этувчи санъат туридир. Уни эгаллаш учун доимий изланиш, ҳар куни чизиш ва узлуксиз меҳнат қилиш зарур. Нафақат машқ ва ўз устида изланиш, балки буюк рангтасвир усталари фикр-мулоҳазалари ва тажрибалари мисолида рангтасвир санъати назариясини эгаллаб бориш ҳам муҳимдир.

Бироқ, ҳар бир рассом ижодий малакага тинимсиз меҳнат ҳамда ҳаётнинг ранг-баранг ҳодисаларини кўзатиш ва англаш орқали эришади. Зеро, унинг рангтасвир асарлари гўзалликка йўғрилган ҳаққонийлик ва самимийлик сифатлари билан бирга бадий фазилатларни ҳам ўзида мужассам этиши зарур.

Леонардо да Винчи мўйқалами остидан чиққан аёллар портретлари ҳайратга солади. Уларни жўшқин таъсири шунчалик кучлики, бизнинг сезгимиз ва онгимиз уни англаш учун чексиз ҳаракат қилади. Шундай қилиб, портрет бизга образни тушунганлигимиздан чексиз завқ бағишлайди. Жуда кўп қалбимизга яқин рассомларни эслаш мумкин, лекин биз шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, бугун бизнинг замондошларимиз орасида ҳам қизиқарли инсонлар эътиборимизни тортиб, бўлажак рассомни яхши портретлар яратишга ундаши мумкин. Фақат уларни севиб ишланса машҳур асарлар яратилиши мумкин. Уларни эса келажак авлодлар кўриб ҳаётимизни, интилишларимизни, руҳимизни ва умидларимизни чуқурроқ тушуниши, англаши аниқ.

Назорат саволлари

Назоратсаволлари

1. Тасвирий ва амалий санъат асарларида ифодаланган мақсад ва мазмунни очиб беришда нима катта аҳамият касб этади?
2. Тасвирий санъат асарлари танланган материаллар (ашёлар), тасвирлаш услубига биноан нималар киради?
3. Тасвирий санъатда замонавийлик тушунчаси деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Paintings: that Changed the World. -Munich. Berlin, London, New York - 2003.
2. Н.Гилманова. Католог-2014. 6-10

3-мавзу: Рангтасвирнинг турли декоратив безаклилик кўринишларида психологик таъсирчанлик ва бадиийлик.


Режа:

- 3.1. Рангтасвирни рифвожланиш тенденциялари.
- 3.2. Рангтасвирда реализм турлари.
- 3.3. Рангтасвирда импрессионизм услублари.

Таянч иборалар: *Аҳмонийлар давлати, композиция, бадиий ҳунармандчилик, қўлёзмалар, амалий санъат.*

3.1. Рангтасвирни рифвожланиш тенденциялари.

Тасвирий санъат бой ва ранг - баранг тарихга эга. Санъатнинг дастлабки шакллари палеолит давридаёқ (эрамыздан 13-5 минг йил илгари) пайдо бўлганлиги тарихдан маълум. Ҳозирдан топилган қоядаги нақшлар ибтидоий оламни жонли ҳолатида кўриб уни оддий реализм



воситасида тасвирланганлигини кўрсатади. Хўкизлар, буғулар, эчкилар тасвирланган суратлар неолит даврига (эрамиздан 5 минг йил илгари) тўғри келади. Амалий санъатининг дастлабки намуналари ўтроқ дехқончилик маданияти пайдо бўлган вақтларда тайёрланган. Булар терракота, сопол маҳобатли нақшлардан иборат. Неолит даврининг ганчкорлик сопол буюмлари содда нақшлар билан безатилган бўлиб, улар маълум бир рамзларга, сеҳрли маънога эга эди. Терракота диний ҳайкалчалар, асосан, дехқончилик тангрилари билан боғлиқ аёллар сиймосидаги ҳайкалчалардан иборат бўлган.

The Bayeux Tapestry¹⁸

Эрамиздан аввалги 2 мингинчи йиллар охири-эрамиздан аввалги 1 минг йиллик ўрталарига келиб (илк темир даври) ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида учта тарихий минтақа: Амударёнинг ўрта ва юқори оқимида Бактрия, Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари оралиғидаги Суғд ва Амударёнинг қуёш йўналишида Хоразмда шаклланди.

VI асрга келиб, Бактрия ва Суғд ҳудудлари Аҳмонийлар таркибига киради. Лекин ушбу даврга оид бадий буюмлар топилмалари бу вилоятларнинг ўз бадий йўналишига эгаллиги ҳақида гапириш ҳақида имкон беради.

Италяда эса юқори уйғониш даври санъати Француз қушинларининг Италия ерларини босиб олиши унинг сиёсий ва иқтисодий қудратини бўшаштириб юборди. Мамлакатнинг душманга тулиқ қарам бўлиб қолиш хавфи туғилди. Ана шу даврда халқнинг ўз озодлиги, миллий бутунлиги учун кураш туйғуси ортди, бошқаришнинг республика формаси учун курашдилар. Бу катта ва муҳим ижтимоий кўтаринкилик юқори Уйғониш даври санъати ривожланишининг заминини ташкил этди. Юқори Уйғониш даври принциплари Италиянинг муҳим бадий марказлари бўлган Флоренция, Рим ва Венецияда ўзининг тугал кўринишларини намоён этди. Юқори Уйғониш даври нисбатан қисқа, яъни XV асрнинг 90 - йилларидан XVI асрнинг 30 - йилларига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Лекин мазмунан бу давр жуда улуғ ва Италия санъати тараққиётининг «олтин асри» ҳисобланади. Шу даврда яшаб ижод этган буюк титанлар Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело, Тициан ўз моҳияти жиҳатидан чуқур, маҳорати жиҳатидан юксак, баркамол асарлар яратдилар. Улар ўзларининг ҳар томонлама ўткир ва билимдонликлари билан ҳам ўз даврларининг идеал кишилари тимсолига айландилар. Улар яратган образлар эса гуманистик ғояларни ўзида мужассамлантирди.

¹⁸ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 27

Жисмоний бақувват, маънавий баркамол, ҳар қандай диний таъсирлардан холи бўлган, ўзи ва ўзгалар учун кураша оладиган, халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўя оладиган инсон даврнинг, санъат асарларининг бош қаҳрамонига айланди. Шу билан бирга, шу юқори Уйғониш даври санъати қўйнида тушкунликни тарғиб этувчи гуманизм ғояларидан узоқ бўлгач манъеризм оқими ёйила бошлади.

3.2. Рангтавирда композиция қурилиши умумий принциплари

Композициянинг эффеќтли ифодаси учун композициянинг элементи ҳақидаги тушунча илгари сурилиши керак, ҳар бир факторнинг тушунчаси орқали кўрганларимизнинг таасуротлари ва кўзимиз билан кўришимиз мумкин бўлган шакл ҳаракатини шакллантиради.



Композициянинг факторлари нуқта, чизик, текислик, шакл (форма), ранг, соя (ранглар), ҳажмни ҳис қилиш, ишлатаётган материалимизни ҳис қилиш, ўлчам, йўналиш, композиция, иллюзия кабилардир. Биз факторларни тушунчамиздаги факторлар ва кўз олдимиздаги факторлар деб қарашимиз мумкин.

Композиция - нуқта, чизик, юза каби учта муҳим элементлар шаклини ўзлаштириб, кузатилиши, албатта, пластиканинг бирлиги ва тартибига эга бўлган психологик ҳаракатдир. Бундай шакл гўзаллигини ҳал қилиувчи принципини гўзаллик принципи ёки шакл (фигура) принципи дейилади. Бу шакл ранг, натура, ҳажм каби ўзаро бошқа бошқа элементларни текисликда ифодаланганда шаклланадиган шаклни чиройли ва уйғун бўлишидаги гўзаллик қонунидир. Бу шакл принципи тушунчаси эстетик муаммо сифатида қадимдан шу кунгача кўп нарсаларни кўрсатиб келган бўлиб, унинг мазмуни куйидагичадир.

Composition VII (Third Version)¹⁹



1) Бирлик - бирлик бу ҳис қилиш ёки реал шакл, ранг, ҳажм материал ҳамда техник жиҳатдан эстетик бирлик ёки тартиб деганидир.

Уйғунлик - уйғунлик деб, бир ёки ундан ортиқ қисмларнинг ўзаро муносабатида эстетик қиммати жиҳатидан бир - биридан ажратилмасдан, ҳар бир элемент бирлашганда ҳосил қиладиган

эстетик шаклга айтилади.

2) Ўзгариш - бирликдан ажратиб бўлмас муносабатдир. Лекин жудаям мураккаб ўзгаришларда бирлик тартиб билан мустаҳкамланмаса, композиция бетартиб кўринишга келиб, ҳатто мавзу ҳам сустрлашиб, бу бир хиллилик(монотонли) ва замондан ортда қолиш каби оқибатларга олиб келади.

Пропорция - катталиқ ёки узунлик ўртасидаги фарқни билдириб, баланс билан узвий боғлиқдир.

3) баланс - баланс дегани, симметрияда фарқ қилиб, ҳар томонлама носимметрик шаклларнинг кўриниш ва руҳий мувозанатдир.

Симметрия - мувозанат деб ҳам юритилиб, қарама - қарши томонларда жойлашган барча нуқталарнинг ўзаро бир хил масофада қўлланилиши тартибига таяниб, бирлаштириш хусусиятини берувчи тушунчадир.

4) Ритм - ҳар бир элементнинг кучли ёки заифлиги, шунингдек, ритм даврини ҳамда давомий ҳаракатдир.

- Аста - секин ўсиб бориш: аста - секин ўзгариб бориш ёруғлик ва қоронғулик, шунингдек, комбинациянинг ёркинлик даражасини ифодаловчи тушунчадир. Аста - секин олдинга силжиш, нуқта ёки қорондер деб ҳам юритилиб, мос келувчи поғоналарга асосланиб, қатъий тартибларга эга бўлган табиий тартиб қоидаларнинг ўзаро ҳаракати билан ифодаланадиган тизим деб ҳам талқин қилинади.

- Такрорлаш - ажратилган масофода такрорланишдир.

¹⁹ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 167

Оддий такрорланиш бир хил ва оддий бўлсада, даврий такрорланиш ўзгарувчан ритм кайтарилганда, жозибадор ритм бўлиб, бундай мураккаб давомий ритмга асосланган такрорланиш кесишиш деб ҳам аталади.

- 5) Урғу – атроф - мухитнинг бирор бир шартига кўра махсус бир қисмига каттиқ ўзгартириш факторидир. Лекин урғу бирдан ортиқ берилса, аксинча урғу ўз кучини йўқотиши мумкин. Урғунинг катталиги керагидан ортиқ ишлатилмайди, яъни урғу беришнинг ҳам ўз чегараси бор.
- Контраст (қиёс) - қиёс хусусият ва миқдорни ажратиб, иккидан ортиқ жой ёки вақтга нисбатан жойлашганда ҳосил бўладиган бирлик шакли, яъни шакл ёки ранг кабиларга контраст бериш орқали ўзгаришни амалга оширувчи принципдир. Рангсиз тасвирда оқ ва қора рангни қиёслаш шунга мисол бўла олади.



6) Жой - жой бирлик ва ўзгаришнинг принципи ўзида мужассам этган алоҳида ҳар бир хусусиятни яна бир поғона кучатириб берувчи ролни ўйнайди. Жой кўринишида бирор бир шаклни ажратганда, ҳосил бўладиган жойни ишлатишда муҳим аҳамияти бор.

Blue Horse I²⁰

- Шакл (фигура)нинг принципларини тушуниш усуллари
- Хис - туйғуларни ҳар томонлама чиройли қабул қилайлик.
- Йўналиш, ритм, кучли ва заифлигига таяниб, нурнинг кучли кучсизлиги кабиларга урғу бериш.
- Пропорция, ритм, баланс, уйғунлик (гармония), қиёс (контраст), бирлик кабилар бошқа барча шаклларга таъсир кўрсатиб эстетик принципларни қўллайди.
- Эстетик муносабат ва тасаввурларимизни ҳамда предметни ҳис қилиш қобилиятимизни ифодалайди.
- Баландлик, чуқурлик, кенглик мавжуд бўлган структуравий бўшлиқ баланси деб тасаввур қилишимиз мумкин.
- Биз бўшлиқни ундаги мавжудот, ҳаракатлар орқали ҳис қилишимиз мумкин.
- Предметни ҳис қилиш ҳаво, нур ва соянинг йўналишига қараб англашимиз мумкин.

²⁰ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 165

- Материални тушуниб, унга ишлов бериш усулларини ўрганиб, эстетик жиҳатдан ифодалаб беришимиз керак.



Жараёнлар - ишлатадиган материалимизни ўрганиб чиқиш - мавзу танлаш – эскиз - шакл (фигура) принципини тушунтириш - танланган объектни кузатиб, у ҳақида турли материаллар йиғиш, яъни унинг тузулиши, ҳаёт тарзи ва бошқа бошқалар ўрганилгандан кейин объектимиз жонлантириб ясалади.

The Green Fiddler²¹

- 1) Нуқта ҳақидаги тушунча бу - кўз нишонга олувчи белги, кичик бир мавжудот, кўзга кўринмас нарсалар, яъни катта ҳажмга эга бўлмаган жойни англатади дейишимиз мумкин. Лекин унинг аниқроқ ифодаси учун белгиланган бирор жой ёки кўринишни белгилаши керак. Одам ёки катта фил бўлмасин, узоқ бир текисликда кичик бир нуқтадай кўринади. Дарҳақиқат, биз буни нуқта деб қабул қилишимиз мумкин. Юзанинг катталиги ва нуқта билан муносабати, нуқтанинг сони, жойлашишига қараб, нуқтани турлича ҳис қилишимиз мумкин.
- 2) Чизик ҳақидаги умумий тушунчамиз ип ёки узунлиги бору, эни ва ҳажми бўлмаган, борликда йўналишигина бор ингичка бир нарсадир. Геометрия фанида минглаб нутқаларнинг йиғиндиси чизик деб аталади. Санъатда чизик ҳақидаги умумий тушунча - бу қимирлаётган нуқталар йиғиндисидар
- 3) Юза - рангларнинг кучи орқали композицияга энг катта таъсир кўрсатадиган фактордир. Яна чизиклар юзанинг асосий фактори ҳисобланади.
- 4) Бирор бир нарсанинг ташки томонини чегаралайдиган ранглар жилосининг ўзгаришига таянадиган ёки чизиклар воситасида ҳосил бўладиган кўз билан кўриш мумкин бўлган нарсаларни тушунишимиздир. Образни конкрет ва абстракт образларга ажратишимиз мумкин.
- 5) Ранглар - ранглар структуранинг фактори ичида энг таъсирлиси бўлиб, бошқа факторларга қараганда, янада табиий ва инстинктивдир. Рангсиз

²¹ Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 175

тасвири асарлар инсон эътиборини ўзига торта олмайди, лекин ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

- 6) Ранглар жилоси - ранглар жилоси уйғунлиги ранг уйғунлигининг асосидир. Турли ранглар гуруҳини биз ифодалаганимизда бир ранга мансуб бўлган шу рангнинг бошқа жилоларини ифодалаш мумкин.
 - 7) Тасвирлаётган предметимизнинг структураси деб (натура), кўлимиз билан ушлаб ҳис қилишимиз мумкин бўлган нарсалардан бошлаб, барча кўзга кўринадиган нарсалар ҳақидаги туйғуларимиз умуман олганда, табиатга, борлиққа нисбатан ишлатилади.
 - 8) Ўлчам - чизик, текислик (юза), фигура ўртасидаги оралик ва шу ораликдаги размерлар тушунилади. Кичик бир туртбурчакни билан Миср пирамидалари иккисининг ҳам кўриниши бир хил туртбурчакдир. Лекин ўлчамлари туфайли бизда турлича таассурот қолдиради.
 - 9) Йўналиш - барча чизикларнинг йўналиши бор. Ана шу йўналишларнинг асоси бўлган вертикал, горизонтал, ўнг ва чапга 45 даражали қиялик кабилардир.
 - 10) Композиция - расм (композиция) ёки дизайнда бўлгани каби ўзгариш ва бирлик мавжуд бўлган, гўзалликни ҳис қилишда катта рол ўйнайдиган, мавзуга мос композициягина яхши асар бўлиши мумкин. Оддий учбурчак композицияда мувозанат ва кенг кўнгиллилик, перпендикуляр сокинлик ва байрамоналикни, ётиқ текисликда эса, тинчлик, сокинлик ва кенгликни ҳис қилиш мумкин.
 - 11) Иллюзия - иллюзия дегани кўзнинг физиологик ҳаракатига таянган ҳолда содир бўладиган визуал иллюзияга айтилади.
- Чизма (шакл) - б и р шакл орқали икки турдаги бошқа шакл (фигура) ёки ундан ортиғини кўриш орқали, бундан олдинги фазовий шаклларнинг ҳосил бўлишидир.

3.3. Рангтасвирда ижодий услублари.

Тасвирий санъат музейларида суратларга қарар экансиз, унда ҳар услубларда ишланган картиналар кўз олдингизда намоёрхн бўлади. Картинада эса тепаликлар, қайинлар, бўтазорлар, боғлар, тоғлар, гулзорлар, қурилган иморатлар, кенгликлардан иборат типик манзараларни кўрасиз.

Суратларда бир нечта катта-кичик дарахтлари тасвирланган. Уларнинг шохларида қора қарғалар уя қуришмоқда. Сурат марказида ёғоч девор тасвирланган. Девор орқасида чодирсимон томли черков ва унинг

кунгирахоноси, уйларнинг томлари кўзга ташланади; узоқ-узоқларда ялангилик ястаниб ётади, унда ўрмон ва эриган қорларнинг қолган-қутганлари ғира-шира кўзга ташланади. Қайин дарахтлари тагидаги қор юмшоқ унда қора қарғаларнинг қорамтир излари бор. Осмонни уфқ томондан булут қоплаган. Қуёш - йўқ ҳисоби, бироқ *қор* эримокда.

Мана, қора қарғалар қанот қоқиб қайин дарахтининг новдаларини синдиришмоқда, бошқалари қанотларини ёзганича уяларининг у ёқ-буёғини тузатишади.

Рассом қора қарғаларнинг баҳорда учиб келишларини синчиклаб кузатиб сўлим баҳорни, табиатдаги жонланишни жуда яхши бера олган. Бундан ташқари суратнинг майин, кўкимтир, бинафша ранг — кунғир буёқларида ҳам баҳор нафаси сезилиб туради.

Рассом суратнинг бунчалик жонли чиқиши учун фойдаланган бадий воситалар ҳақида гапирар эканмиз, даставвал шуни айтиш керакки, рассом асар устида шошмасдан кунт билан узоқ ишлади. Рангтасвир санъати техникасидан маълум бўлишича, Саврасов суратдаги рангларни аста-секин, куритиб-куритиб қайта-қайта берган. Рассом суратнинг бутун олдинги планини шу усулда ишлаган. Сурат рельефли чиқсин учун девор олдидаги қуёш нурида ёритилган қор тепа корпусли қилиб тасвирланган. Соя жойлардаги қор енгил-елпи чизилган.

Қайинларнинг оппоқ қуюқ булутлар фонидаги учлари қуриган буёқ катлами устидан нозик мўйқаламда усталик билан тасвирланган.

Суратнинг умумий колорити ёрқин, мусаффо — баҳор пафосига мос тушган. Илиқ шабададан ҳаво намиққан, осмон уфқдан булутлар билан қопланган, ховузда муз эриган, қўёш деярли кўринмайди, буларнинг барчаси «дилга ором беради». Сурат 1871 йилда биринчи кўчма кўрғазмада кўрсатилди, тезда ҳамманинг диққат-эътиборини тортди ва юқори баҳоланди.

Саврасов сурати табиатни санъат воситалари ёрдамида кўрсатиш ва тасвирлаш ҳамда илгор, прогрессив реалистик фикрни ифодалаш жиҳатидан катта ижодий ютуқ бўлди ва шундай бўлиб қолади.

Сурат фақат мазмуни билан эмас, балки Россия табиатини кўрсатиш, колорити жиҳатидан ҳам янги асар эди. Рассом ёрқин, тиниқ ранглар ишлатади, булар баҳор табиатининг бутун гўзаллигини жуда яхши ифодалайди.

Ёрқин палитра ва асар колоритининг табиат рангларига монанд берилиши рус пейзажнавислигининг кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Саврасов она-Ватан табиатига «Қора қарғалар учиб келишди» суратидан ташқари, «Қишлоқ йўли», «Волга» каби асарларини ҳам бағишлаган.

Рассом буюк устозларидан ҳаётни чуқур акс эттиришни, кузатган ва курган-билганларини умумлаштириб акс эттиришни, ўз палитраси воситасида бадиий образлар яратишни ўрганди.

Жанубнинг сахий кўёши, гўзал, фаровон турмуш, янги тематикаси ижодимни яна қанотлантириб юборди.

Импрессионизм услубида бажарилган П.Бенковнинг «Узум узиш» сурати ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бу сурат бизни Ўзбекистоннинг узумзорларига олиб киради. Бу ерда рассом кўп миллатли мамлакатимизда халқлар дўстлиги ғоясини образли очиб беради. Рассом бу ғояни декоратив равишда эмас, балки жуда моҳирона бадиий ҳал қилади.

Узумзорининг қуёшли манзараси суратга фон бўлиб хизмат қилган, улар бутун композициянинг маънавий марказини ифодалайди.

Узумзорининг қалин новда ва барглари орасидан қуёшнинг чароғон нурлари ёритиб ўтиб, етилиб пишган узум бошларига шуълалар сочади.

Томошабинга яқинроқда, суратнинг худди марказида икки қиз. тасвирланган: уларнинг бири ўзбек қизи, иккинчиси рус қизи. Улар бутун композициянинг маънавий марказини ифодалайди.

Ўзбек қизи дугонасига ўзининг узумзориде етиштирилган мўл узум ҳосилини кўрсатмоқда. Рус қизи катта-катта узум. бошларини завқланиб томоша қилмоқда. Балки у шундай ширин-шакар узумнинг қандай ўсишини бу ерда биринчи марта кўраётгандир. Қизчани ўз фарзандидай кўриб, уни меҳр-шафхат билан тарбия қилади.

Суратнинг ҳамма персонажлари: қизлар ҳам, болалар ҳам, кекса боғбон ҳам — ҳаммаси бир аҳил оила аъзоларидек бўлиб кўринади.

Бу суратни кўрар экансиз, киши ўзида одамлар орасидаги дўстликнинг ҳеч қачон бузилмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилади, унда қувонч таассуроти қолдиради.

Сурат ёрқин бўёқларда ишланган, унда ҳаво кўп, серқуёш Ўзбекистоннинг гўзал табиати жуда яхши берилган.

Беньков биз юқорида кўриб чиққан асарларида Ўзбекистон қизининг ёрқин, халқчил типини яратди. Бунга рассом кўпгина асарлар яратиш, ҳар сафар ўз қахрамонларини янги ва ёрқин фазилатлар билан бойитиш туфайли эришди.

Ўзбек аёлларининг жисмоний ва маънавий озод бўлиши («Саккизинчи Март»), халқлар ўртасидаги дўстликни («Дугоналар») мустаҳкамлашгача босиб ўтилган йўл — «Хивалик қиз» ва унинг опа-сингилларининг, Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳаёт йўлидир.

Беньковнинг юқорида кўрсатиб ўтилган суратларида ҳаётдаги кўпгина муҳим воқеалар ўз ифодасини топди.

Назорат саволлари

1. Аҳмонийлар давлатини барҳам топишига ким сабабчи бўлган?
2. Композиция нима?
3. Бадиий ҳунармандчиликка қайсилар киради?
4. Илк қўлёзмалар қаердан топилган?
5. Амалий санъатга нималар киради?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.
2. Andrew Paquette. An Introduction to Compyuter Graphic for Artist.- Springer Publihing Company, Incorporated, USA 2013
3. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception:A Psychology of the Creative Eye.- Univercity of Californiya Press, USA 2004.

4-мавзу. Рангтасвирда ижодий тафаккур юрита олиш ва бадиий талқин эта олиш.

Режа:

- 4.1. Рангтасвирнинг ижодий услублар.
- 4.2. Рангтасвир композициясида фикр ва ғоя.
- 4.3. Рангтасвир асарини ўқиш ва талқин қилиш.

Таянч иборалар: *Тасвирий санъат, гуллаётган водийлар, мусаффо чашмалар, кузнинг сокин лавҳалари, манзара, натюрморт жанри, “Лимонли натюрморт”, “Учта кўза”, “Бойчечаклар”, “Кўзги гулдаста”, “Ноклар”, “Мандаринли натюрморт”, қалам, акварель, мойбўёқ,*

4.1. Тасвирнинг ижодий услублари.

Тасвирий санъатнинг рангтасвир турлари ва услублари хилма хилдир. Ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби мавжуд бўлиб рассомлар изланиш олиб бормоқдалар.

Дунё бўйича хилма хил услубий ёндошувлар ҳам бепоён дир. Шунингдек Европалик рассомлар асарлари шунга мисол бўлаолади. Рангтасвир асарини ўқиш ва талқин қилиш бугунги кунда ёш авлодни маънавий жиҳатдан камол топтиришга қаратилган илғор йўналишлардан бири уларнинг онг ва салоҳиятини таркиб топтиришдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Миллий ва маънавий кадриятларни қайта тиклаш борасида олиб борилаётган ишлар тасвирий санъат соҳаси вакиллари қалбида ҳам алоҳида ғайрат ва шижоат уйғотмоқда.

Шу ўринда бугунги кунда Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Ахмаров, Рахим Ахмаедов, Ғофир Қодиров, Жамол Усмонов, Шаҳноза Абдуллаева, Алишер Аликулов, Зебинисо Шарипова, Бобур Исмоилов, Татьяна Ли сингари кўплаб талантли ва ажойиб мўйқалам усталари номлари кўпчиликка маълум.

3-расм



4- расм



4.2. Рангтасвир композициясида фикр ва ғоя.

Мукаммал яратилган бадий асар юксак ғоявий, мазмунли, халқчил, юксак бадий маҳорат билан ҳаққоний яратилган

санъатгина бизнинг ақл ҳамда ҳис-туйғуларимизга таъсир этади.

Ўзбек ва чет эл рассомларининг гўзал асарларини ким мароқ, билан томоша қилмаган, улардан завқ олмаган? Музей ва кўرғазмаларда атиги бир марта бўлган одам рассомларимиз томонидан яратилган гўзал асарларни томоша қилишдан баҳраманд бўлади албатта, кўнглига ўтирган асарларни яна бир бор кўриш мақсадида шошилади.

Ўтмиш ва ҳозирги замон тасвирий санъат асарларини томоша қилишни ҳаммамиз ҳам яхши кўрамыз. Бунинг жуда кўп сабаблари бор. Шу ўринда машҳур рассомлардан бири шундай деганди: «Биз санъатни шунинг учун ҳам севамикки, у инсонни ўраб олган борлиқнинг гўзал томонларини очиб беради, инсонга куч-қувват, севинч бахш этади, уни руҳий, маънавий жиҳатдан бойитади, ҳаётини завқ-шавқга тўлдиради. Биз санъат асарларини шунинг учун ҳам қадрлаймикки, улар шоирона

ҳис-туйғуларга бой бўлади, рассом ўз юрак ҳароратини, туйғуларини камёб, такрорланмас, оригинал, ҳаётӣ бўёқлар билан ифода этади».



A Useful Thing, Peace! Siena and the Allegory of Good Government²²

Яқин ўтмишдаги реалистик санъат намояндалари ижодининг энг муҳим хусусиятларидан бири шунда эдики, улар ўз асарларида халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган, халқда ўз кучига ишонч уйғотувчи муҳим мавзуларни акс эттирарди.

Рассом Раҳим Ахмедовнинг «Тонг. Оналик» асаридаги қаҳрамоннинг юзига бир қаранг-а. У эрта тонгда хотиржам ўз чақалоғини эмизмоқда. Она юртимизга хос таниш манзара, енгил шабада эсмоқда. Тоғ этагидаги қишлоқ осмони мусаффо тиниқ, эндигина тонг оқариб қуёш чиқиши арафасида. Картинадаги оила хотиржам ҳаёт гўзал рангларда акс эттирилган. Она образи инсон ўзи яшаётган муҳитнинг тинчлиги қанчалик қадрли эканлигига ёрқин намуна бўла олади. Бу картина ҳар бир томошабин қалбида ўчмас из қолдиради албатта.

Раҳим Ахмедовнинг бу асарини томоша қилар эканмиз, биз тинч ҳаётда яшаётган одамларни кўрибгина қолмай, гўё уларнинг водий бўйлаб таралаётган қушлар ноласини ҳам эшитаётгандек бўламиз.

Рассомларнинг фақат турмуш эмас, шўнингдек табиат манзаралари тасвир этилган асарларидаги ҳаёт ҳақиқати кишини қаттиқ ҳаяжонга солади.

Ўрал Тансиқбоевнинг «Тоғда» номли асари севимли ўлка табиатига чексиз меҳр-муҳаббат ҳисси билан суғорилган. Суратда баланд тоғ этакларидан гул тераётган болаларни, эрталабки қуёшнинг заррин нурлари ёритиб турган чексиз водийни ўраб олган тоғлар понарамасини кўрар эканмиз, кўз ўнгимизда кишининг иродаси ва меҳнати билан боғу-бўстонга айланаётган Ўзбекистон ерларининг ёрқин манзараси гавдаланади ва ҳаётга бўлган интилишини оширади. Ўзбекистоннинг гўзал табиати Ў.Тансиқбоев ва ҳозирги пайтда ижод қилаётган замондош рассомларимиз ижодида марказий ўринни эгаллайди.

²² Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World. -Munich. Berlin, London, New York. - 2003.- P.- 40

Бундай ажойиб табиат манзараларини кўрар эканмиз, рассомнинг куйидаги сўзларини эшитаётгандек бўламиз: «Одамлар, қаранг, биз яшаётган олам қандай гўзал, уни мен каби севинг, ана шу муқаддас севги билан уни ўзингизга асир этинг, бу боқий дунёда ундан бир умрга лаззатланинг, тинчликни қадрига етинг, буюк ишларга белингизни маҳкам боғлаб олға интилинг».

Рассомларимиз ватан ва жаҳон прогрессив санъатига суянган ҳолда ўзининг чуқур ғоявийлиги, шаклининг мўкамаллиги, халқ турмушига боғлиқлиги билан ажралиб турувчи санъат йўлида дадил қадам ташламоқдалар.

Тасвирий санъатни янада ривожлантириш учун ўзида илғор ғояларни мужассамлантирган меҳнатсевар кишиси рассомларнинг энг севимли ва асосий қаҳрамонларига айланган.

4.3. Рангтасвир асарини ўқиш ва талқин қилиш.


Натюрморт жанрида Рассом А.Икромжанов ўз ижодида мумтоз натюрморт, яъни нидерланд мактабининг машҳур вакиллари Питер Класс, Виллем Хеда бадий анъаналарига эргашишга, уларни ўзига хос тарзда ривожлантиришга интилади. Шу билан бирга, асарларига ўзбек халқ амалий санъати ва миллий қадриятларни олиб киришга, уларни юксак савияда тасвирлашга интилади. Унинг энг яхши асарлари Ўзбекистон тасвирий санъатининг натюрморт жанри тараққиётида ўзига хос ва мос ўринга эга.




Натюрморт жанри асарларида тасвирланаётган предметлар ҳаётий реализмга асослангандир. Уларни яратаётганда ижодкор ўз дунё - қараши нуқтаи назаридан муносабатда бўлади. Натюрмортдаги шакл ва рангларда шоирона талқин кўзга ташланади. Натижада, гўзал ва бетакрор табиат неъматлари расмларда рассомнинг ижоди самарасига айланиб, барҳаётлик касб этади, томошабин кўзини қувонтиради, дилига эстетик завқ бағишлайди. Бу асарлардаги мукамал чизгилар, ёрқин, нафис ранглар ўзаро уйғунлиги узоқдаги бетараф ёки қорамтир фон асосида алоҳида ажралиб туради.

Бу асарлардаги нур ва соянинг талқини, тасвири, уларнинг ўзаро уйғунлиги ҳам ижодкорнинг юксак маҳоратидан дарак беради.

Рассом Н.Гилманова эса “Мен ранг ва нур ҳамоҳанг бўлишини яхши кўраман”, - деб айтган эди. Ҳақиқатдан ҳам, “Лимонли натюрморт”, “Учта кўза”, “Бойчечаклар”, “Кўзги гулдаста”, “Ноклар”, “Мандаринли натюрморт”, “Олмалар ва хурмолар”, “Увайсий хотирасига” каби жуда кўплаб натюрморт асарларида ранглар мутаносиблиги, ҳаёт давомийлиги, кузги барглар ҳаётнинг кузи эканлиги, тахи бузилмаган оппоқ дастурхонлар оқ йўл эканлиги, қўйингки, нур борки, соя борлиги унинг натюрмортларида ўз аксини топган. Натюрмортларда жуда кўп конструктив шаклларга ранг бериб, мукамал асарга айлантирилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, “Увайсий хотирасига” деб



номланган натюрмортда ранглар уйғунлигини, композицион тузилишнинг тўғрилигини, нур ва соянинг ўйноқилигини кўришимиз мумкин.



Назорат саволлари

1. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар чизма тасвирини бажариш қандай амалга оширилади?
2. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар композицияси деганда нимани тушунасиз?
3. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар образи қандай яратилади?
4. Шакл ва қиёфалар яратиш учун тингловчилар нималар керак?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Paintings: that Changed the World. - Munich. Berlin, London, New York. - 2003.
2. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphic for Artist.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.
3. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye.- University of California Press, USA 2004.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

Тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланиш босқичлари.

Ишдан мақсад: Тасвирий санъатда рангтасвирийнинг ривожланиш босқичларини тингловчиларга сингдириш. Рангтасвир ҳақидаги дастлабки трактатлар нашрлари VII асрларга тўғри келади. XIX асрнинг ўрталарида Лондонда инглиз тилида дастлабки XII - XVIII асрларда оригинал яратилган Европа трактатлари параллел равишда инглиз тилига таржима қилинди. Қизиқарлиси шундаки, рангтасвир технологияси тарихи билан тарихчилар, врачлар, архитекторлар ва шунчаки рангтасвир хавасмандлари ҳам қизиққан бўлсаларда улар ҳар доим ҳам рангтасвир техникаси билан таниш бўлмаганлар фақат уларни замондошларнинг фикрлари билан олинган маълумотларини (реконструкция) тартибга солганлар, Масалан: римлик архитектор Витрувий очикдан - очик айтадики, усталар ҳеч кимга ўз яқинлари қариндошлари ёки авлодидан ҳам ҳеч кимга ўргатмаганлар. Бу ҳақида Ўрта асрларда ресептлар тўпланиб қуйидаги фикрлар айтилган. «Начинаючим новѹе сочинение»- бошловчиларга янги баённома. «Майли кимки янгилик яратса, ҳеч кимга бермайди ўғлидан бошқага албатта, яъни бундан ўзича у юқори ва адолатли иш қилган бўлади ва яна барча сирларни ишончли сақланишига кафолатлангандек ҳисоблайди».

Масаланинг қўйилиши: Рангтасвир материаллари ва техникасига оид антик трактатлар бизгача етиб келмаган. Улар айрим муаллифларнинг меҳнатларида, масалан: эрамиздан аввалги III - IV асрларда яшаган грек энциклопедисти Аристотелнинг шогирди Теофраст, эрамиздан аввалги I асрда яшаган грек врач Диоскурида, Римлик архитектор Витрувий баёнларида учрайди. Бу соҳада айниқса, Пленейнинг баённомалари (сочинение) жуда қизиқарлидир. Қай Пленей Секунд Старший эрамизнинг I - асрида кўплаб ҳарбий юришларида иштирок этади. Шимолий денгиз сафарларида ва ўзининг Элба, Дунай, Испания ва «Табиий тарих» - қадимий илмий билимлар энциклопедиясида кўплаб катта маълумотлар билан Ўрта аср

охирларига икки Ираклий ва Теофил трактатлари жуда қимматли ҳисобланади. Ираклийнинг трактати римликларнинг санъати ва бўёқлари деб номланади.

Ишни бажариш учун намуна: Леонардо да Винчи «Рангтасвир ҳақида китоб» трактати бутунлай бошқа даражани кўрсатади. Ҳунармандчилик ҳалқимизга ўзи маълум лекин бўлажак рассомлар эндиги одам тузилишини ҳамда табиатни ва одамни шунчаки тасвирлаш эмас балки масофаси, ҳаракати ҳолатини беришдан иборат бўлади.



Шунингдек Паоло Ламатссо (XV аср) Паоло Пино «Рангтасвир ҳақида диалог» 1548й. Микеланджело Биондо (Олий жаноб рангтасвир санъати ҳақида трактати) (1549 й) асарлари ва XV асрнинг биринчи ярмида яратилган Джоржо Вазари томонидан «Ҳаёт ёзуви» (Жизни познанин) (1550) номи билан машҳур муқаддимаси анча аҳамиятга эгадир. Унда Римдан Берлингача, Лондондан Петербурггача яшаб ижод қилган катта рангтасвирчиларга хизмат қилди. Шу сабабли, бадиий материаллари ҳақида тўла-тўқис рассомларнинг ёзишмалари эмас ёки китобларга раҳбарлик қилмай, балки савдо фирмалари, химиявий ва технологик журналларга хизмат қила бошлади.

Назорат саволлари

1. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар чизма тасвирини бажариш қандай амалга оширилади?
2. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар композицияси деганда нимани тушунасиз?
3. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар образи қандай яратилади?
4. Шакл ва қиёфалар яратиш учун тингловчилар нималар керак?

1. Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.
2. Andrew Paquette. An Introduction to Compyuter Graphic for Artist.- Springer Publising Company, Incorporated, USA 2013
3. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception:A Psychology of the Creative Eye.- Univercity of Californiya Press, USA 2004


2-амалий машғулот:

Рангтасвирнинг турли декоратив безаклилик, кўринишларида психологик таъсирчанлик ва бадийлик.

Ишдан мақсад: Қадимий муаллифларнинг гувоҳлик беришича (Диоскурит, Витруви, Плений ва б.) Грек, Рим рангтасвир асосида (Восковой) куруқ табиий бўёқлар билан ишлаш ётади. Бу энкаустика дейилади. Дастгоҳли энкаустик рангтасвирнинг бизгача етиб келганларни эр.авв. III асрларга тааллуқлидир. Фаюм портретлари деб аталувчи, ёдгорлик портретлари билан тингловчиларни таништириш.

Масаланинг қўйилиши: Эски христиан анкаустик рангтасвир иконалар «Византияда, Шимолий Миср» кичик Осиёдаги тасвирлар фаюм портретларидан фарқ қилади. Синай ярим оролларида авлиё Екатерина черковидаги «Сергей Вакх» (XVI-XVII аср) асари тўлиқ мукаммаллашган устамонлиги билан бажарилганлиги ажралиб туради.

Ишни бажариш учун намуна: 1260-1300 йилларида барча мойли рангтасвир асарлари оқ клей бўрли грунтга ишланган.



1509 йили 26 августда Дюрер ўзининг тайёр картинаси хақида ёзади: «Мен жуда катта интилиш билан ёздимки, худди кўриб турганимиздек ва у энг зўр бўёқлар билан ёзилган, қайсиларини мен топа олган

бўлсам, у аралаштирилган (подмалёвка) ва яхши ультрамарин билан ёзилган ҳамма 5 ёки 6 марта ишланган. У тайёр бўлгач, мен уни яна икки марта ёздим, сабаб кўп йиллар сақлансин дедим».

Шимолий Европа rassom ustalari учун рангларни бирин-кетин беркитиш системаси кийимларни чизиш ҳарактерлидир. Инкарнатни тадқиқ қилишдан маълум бўладики таналар бир қоплам билан ишланган. Иерони Босх (1450-1516) биографиясида Ван Мандер унинг асарни ёзиш усули хақида ёзади. «У ўзининг асарларини айрим ҳоллардагина бир кўришда ёзади ва шундай бўлсада унинг картиналари жуда чиройли ва бўёқлар ўзгармаган. Худди катта усталар сингари, у ҳам грунтланган доскада чизиқли расмни бемалол чизиб оладиган одати бор эди ва ундан ташқари танани енгил тон билан бириктирарди, айрим жойларини грунт ҳам беркинмай қолар эди». Масалан, унинг «Крестни кўтариш» картинасини тақдим қилишдан маълум бўладики, бўёқлар хақиқатдан ҳам бир мартагина берилган.

Ҳақиқатдан анъанавий кўп қопламли ёзиш усули «Италияликлар» томонидан «Фломанд манераси» деб аталган. Кейинрок Италияда бу «Модерин манераси» ва охирида «Италия манераси» бўлиб кетган. Бу янги манеранинг (импасто) белгилари аввал Венесияликларда кўринди. Унинг бошланиши Джованнинг Беллини (1428-1516) да кўринди. Джорджона (1477-1510) ва Тициан (1477-1576) ларни ижодида рангасвирда янгилик киритишга тўғри келди. Ўзининг ижоди билан Джотто Италия санъатига ўзгариш қилгани каби ва бу ёзишнинг янги манераси тезда Италия усталари орасида кенг қўлланилди, сўнг Италия шаҳри rassomлари орқали четга давлатларга тарқалди бошлади. Европа рангасвирини кейинги ривожланишини белгилаб берди.

Венеция мактаби хақида гапирганда шуни ёдда тутиш керакки, худди шу ерда XVI юз йилликда Тициан қўл остида янги илгари маълум бўлмаган рангасвир шаклини ранг билан яратиш услуби пайдо бўлди. Аввалги аввало

аниқ чизиқли суратни чизиб олиш, сўнг ранг билан қоплаб бориш (масалан, Рафаэл шундай ишлаган) ўрнига Венецияликлар дарҳол мўйқаламни олиш ва ранг билан ишлайверишни бунинг оқибатида шакл пайдо қилишга интиладилар. Бунинг асосида эса ўз - ўзидан қаттиқ ва ҳайкалдек (график) чизиқли ечими бўлмайди. Бунинг ўрнига кескинлик, тасодифий. Узлуксиз ранг ўзгариши ва динамика ёруғлик, ранг билан ифодалаш пайдо бўлди. Европа санъати тарихида рангтасвири ўзини гўзаллиги, тасвирланаётган предметнинг абстрактлаштириш тасвирий ифоданинг янги ифодасига айланди. Кейинроқ XVIII асрнинг охирида «Живописност» (ранг-баранглик) «Рангли ёзув» ёки «Рангли ёзув манераси» вужудга келдики, у график чизиқли манера билан қарама - қарши турди. Италиян барокко рангтасвири жуда тўқ грунт асосида ишлаш, корпусли ишлаш, ёруғни белила билан тўқ соялар, чуқурликни янгироқ тўқ аралашма (лессировка) билан ишлашда пайдо бўлди. Рембранд Ренесанси пластик формасини, ёруғ - соя контрастлари асосидаги формага ўтказиб юборди.

Рубенсинг рангтасвир техникаси (1577-1640) бутунлай фарқли эмас. У Италия тонал уйғун ёзув принципини (Венисиача вариантда) фламант «Ички ёруғлик» принципи билан моҳирона компромисликдаги уйғунлаштирганлигидадир. Грунтнинг ёруғи, ёритилмаганлигига асосланади. Рубенс ўз йўлидан бориб, холст юзасини нейтраллаштириш силлиқлаштиришга ҳудди тахта юзасидек ҳаракат қилди.

«Сояларни енгил ёзиш керак» - деб ўргатади. Рубенс худди ўша жойга белила тушиб қолишидан сақланинг, ҳамма жойда ёруғ жойдан ташқари, белиланинг картинага тушиб қолиши зарардир, агар белила тоннинг олтин ялтироқ жойига тушиб қолса картинангиз иссиқ бўлишидан тўхтайтиди ва оғирлашиб кетади, рангсиз бўлиб қолади.

Рубенс томонидан ишлаб чиқарилган рангтасвир системаси тез ёзишга имкон беради, бу билан кўплаб рангтасвирчиларни ўзига тортади. Буше, Ватто, Фрагонар шу каби италян рассомлари ушбу ёъналишга дуч келдилар.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Европа рангтасвирчиларининг ижодига алоҳида баҳо беришга тўғри келади. Булар Испан Гойя (1746-1828) ва Инглиз КонстАбель (1776-1837) бу икки устун манераси бўйича ҳам, шахсий ҳаёти билан ҳам темпераменти бўйича ҳам тарбия топган муҳитда ҳам нафақат эски рангтасвир қонунларини бузиб ташладилар, балки йўналиш ҳам олиб кирдилар.

XIX асрларда эса рангтасвир яна ўзининг тоза ва ёркинлиранглар билан ишлаш орқали XV асрларда фломанд усталари томонидан биринчи бўлиб

эришилган, энди янги усуллари асосида тоза бўёқларни оптик мазок (доғ)лар билан аралаштиришларни ўзаро ёнма - ён қўйиш эвазига эришилади.

3-амалий машғулот:

Рангтасвирда ижодий тафаккур юрита олиш ва бадий талқин эта олиш.

Ишдан мақсад: Рангтасвирда бадийни асарни ғоявий таҳлил қилиш. Рангтасвирда фикр ва ғоя ечими. Реставрация. Реставрациянинг турлари ва соҳалари. Компьютер хонаси, слайдлар, графика, фото альбомларда кўрсатилади ва таҳлил қилинади.



«Реставрация» – сўзи латинча сўздан олинган бўлиб, у «тикланиш» деган маънони билдиради. Реставрация машҳур маданият ёдгорлигининг ҳаётини қайтариб берибгина қолмай, шунингдек, турли мактаб усталарининг бадий ва технологик усуллари тўла-тўқис ўрганиш, бу асар ким ва қачон, қаерда у ёки бу асарни яратилганлигини, унинг бузилиши сабабларини аниқлаб олишга имкон беради. Реставрациянинг энг асосий вазифаси – санъат асарларини бузилишини тўхтатиш, асарни энг аввалги ҳолига қайтаришдан иборатдир.

Масаланинг қўйилиши: Аввалги вақтларда картина, амалий санъат буюмига ёки биноларга ҳам ҳудди буюм сингари муомалада бўлинган. Илгариги ҳолига қайтариш мумкин бўлсада, асар эгалари ёки биринчи реставраторлар ўзгаларига ҳеч қандай ҳисобот ҳам бермас эдилар. Ким, ўзларининг олдида маълум бир даврнинг тарихий, бадий, бадий ҳужжати тургани ва улар уни ўзгартириб юборишга ҳақлари ёёқ эканлиги ҳақида ҳисобот ҳам бермасдилар. Реставраторлар ўз ҳоҳишича, эркин асарнинг шаклини ўзгартирадилар, картинанинг ранг лок билан қоплаганлар.

1. **Ишни бажариш учун намуна:** Рангтасвирнинг энг юзасида бўлган локларни айрим холлардагина олиб ташлашардилар ва ниҳоят муаллифнинг тасвирини бутунлай очиб бера олмасдилар. Шунинг учун замонавий реставрациянинг принципи-асар муаллифи ва унга алоқаси бўлмаган ҳолда сақлаб қолишдан иборатдир.

Музейлар қошидаги реставрация ташкилотлар, махсус лаборатория ва устахоналарда рассом реставраторлар билан ёнма-ён фанни турли соҳаларидаги мутахассислар: санъат тарихи, химия, биология, тилшунослик, археология бўйича ишлайдилар.

Санъат асари реставрасияси олдида узоқ муддатли тадқиқот цикли ўтайди. Мутахассислар диққат билан ёдгорликни сақланганлиги тарихи, унинг яратилганлигини кўриб чиқади, лаборатория вақт дақиқаси кузатишларини ўтказардилар.

Лаборатория грунт ва ранг қоришмасини таҳлил қилади, пигмент ва боғловчининг таркибини аниқлаб беради. Кўплаб ультра фиолетовий, инфрақизил нурлар, рентген нури орқали тадқиқотларда кўплаб қизиқарли фактлар оладилар, сўнгра реставрасион кенгаш якуний асарни тиклаш усуллари ҳақидаги хулосага келади. Ишнинг бориши синчковлик билан хужжатлаштириб борилади. Санъат асарларини меъморлик ёдгорликларини, монументал, рангтасвир, амалий санъат, графика ва темперани рангтасвир мойбўёқли ранг тасвир соҳаларида олиб борилади.

Реставраторларнинг фидокорона катта меҳнати билан санъат асарларининг ноёб ёдгорликлари сақлаб қолинади. Бу соҳада Ўзбекистондаги катта бойлигимиз ҳисобланган маданий ёдгорликлар ва амалий безакларни қайта тикланди ва ўз ҳолига қайтарилди.

Рангтасвирда бадиийни асарни ғоявий таҳлил қилиш. Рангтасвирда фикр ва ғоя ечими. Реставрация. Реставрациянинг турлари ва соҳалари. Компьютер хонаси, слайдлар, графика, фото альбомларда кўрсатилади ва таҳлил қилинади.

БУЮК УСТАЛАРНИНГ РАНГТАСВИР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Дастгоҳли рангтасвирнинг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги В асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган Плений таъбирича: «ёруғ-сояларни ва оптик иллюзиянинг буюк усталари Зевксиз ва Паррасийлар кирган рангтасвир эшиги» ни очиб берган афиналик Апполодор фаолияти билан боғланади.

Қадимий муаллифларнинг айтишича, Апполодорнинг замондошлари «Скиаграф» «соялантирувчи» деб атаганлар, қайсики, фақат унда дастгоҳли картинанинг илк бошловчисини кўриш билан бирга, предметларнинг тасвирини ёруғ-соя моделировкасининг асосчиси сифатида тан оладилар.

Хусусан, энг қадимий рангтасвир асарлари намуналари давримизнинг I – асрларга тааллуқли бўлиб, улар Мисрдан топилган қабрларга қўйиладиган портретлардир. Энкаустик техникада бажарилган бу портретлар ўша даврларда эллинистик рангтасвир устамоллигини юқори чўққисида деб ҳукм чиқаришга олиб келди.

Кейинги Европа рангтасвири ривожини христианликни тасдиқланишига боғлиқ. V-IV асрда антик дунёқараш ва Рим давлатининг инқироzi арафасида ғолиб келади. Шу кундан эътиборан рангтасвир ғоявий, бадиий системага кирган христиан черковлари ғоялари билан ёритилган.

Византияда VI асрда санъат ўчоқларидан бири пайдо бўладики у реал оламни христиан символикаси билан ёъғрилган образида идрок этишдан иборат бўлади.

Уйғониш даври санъати Италияда ҳамда Шимолий Европада биринчи навбатда Нидерландияда иконани энди картина асар сифатида тушуниш одам муносабатларини, одамни дунё билан бой алоқаси теварақдаги табиат предметлари муҳитни акс эттириш маъкул саналади.

МАШҲУР РАССОМЛАРНИНГ РАНГТАСВИР ТЕХНОЛОГИЯСИ.

Барча рассомлар ҳам ўз ижод усулига ва ишлатиш материалларига эга. Масалан, Ван Мандернинг айтишича, Ганс Голдейн (1497-98-1543) полотнога елимли бўёқлар билан ишлаган. Унинг иккита картинаси шундай усулда ишланган ва у асари Лондондаги пўлат саройнинг ганзайск уйи тантанавий залини безатиб туради. Улар ва улкан полотно ўн фигурали гуруҳ портрет интерерида Томас Морнинг натурал катталигида унинг хотин-қизлари, қариндошлари тасвирланган. Ҳудди шу техникада Питер Брейгел (1525-1569) ва бошқа шимолий усталар ишлаганлар.

Рассомлар томонидан ишлатиладиган асослар ҳақида Бионда (1549) ёзади: «Агарки у (рассом) ёғоч ёки холстда ишласа, темпера ёки мой бўёк билан ёхуд елимли бўёқми - бу ўзи метод ва рангтасвирдаги рассомнинг усули ҳисобланади».

Рассомлар кўпинча ишчи рамка шнур орқали холстни тортиб олганлар, тайёр картинани эса рамкага мих билан маҳкамланган.

XVIII асрга келиб эса реставрасия техникасига оид янгилик киритилди, бу рангтасвирнинг янги асосга кўчириб ўтказишдир. Бу соҳадаги хурматни Италия ва Франция эгаллади. Гарчи, биринчи кўчириш Италияда 1720 йилда олиб борилган бўлсада уни кенг ёйиш Франциянинг зиммасига тушди.

Бадиий Академия ишида XVIII асрда «Голланд» қоғоз кейинги хужжатларда Англия ва Франция қоғозлари билан ярослав қоғози баҳслаша бошлайди. Қоғозларда фил суяги, велана, бристо, бўялган рангли ва грунтланган турлари мавжуд бўлди.

Қоғознинг ишлатилиши ҳақидаги маълумотлар рангтасвирда XII аср бошига тааллуқлидир. Яъни Теофил даврида қоғозни ишлатишни тўлиқроқ маълумотлар Ченнинини трактатида ёзилади: қайсики унда кўмир билан ишлаш ёъллари кўрғошин штифта ишланди. Перо ва акварелда ишлаш, рангли қоғозда ишлаш ёъллари ва қоғозни бўяш технологияси ҳақида гап кетади. Трактатнинг махсус бўлими қоғозга бўёқлар билан ишлаш ва қоғоздан миниатюрвий рангтасвирга қаратилган.

Мисрда топилган фаюм портретлари тахминимизга подмалёвка усулида ишланган темперали бўёқлар билан ҳозирча тўлиқ исботи тасдиқланмаган.

Маълумки, асарнинг муваффақияти қандай грунт беришга ҳам боғлиқдир. Сенга гўзаллигини бермоқчи бўлган ранг- деб ёзади Ленаардо да Винчи – доим олдиндан оч грунт тайёрланади. Мен ялтироқ бўёқлар хақида гапирмоқчиман, ялтирамайдиган бўёқлар учун оч рангли грунт ҳам ёрдам бермайди.

Веронезе ўзининг катта полотноларини оч-кулранг кўк грунтда ёзган. Қизиқарлиси шундаки Джорджоненинг «Юдиф оқ грунтда» яна унинг «Ухлаётган Венера» си эса рангли грунтда ишланган. Тисианнинг Христос Динарием эса оқ грунтда ишланган бўлиб, у ҳам «Юдиф» ҳам ёғоч асосида бажарилган. Айрим рассомлар (Тисиан, Джорджоне, Тинжоретто) ҳатто қора имприматурада ишлаганлар.

Рубенени грунт бериши эски Нидерландияликларникига ўхшайди. Бўр ва ҳайвонот елими ва уни юза қисми сиккатив мойи билан қопланган.

Рембранднинг рангли кўрсатган грунтлари ҳам имприматурасини ўзгартирмайди.

Назорат саволлари

1. “Реставрация” – сўзининг маъноси нима?
2. Джорджнинг «Юдиф» картинасининг реставрасияси хақидаги фикрингиз?
3. Машҳур рассомларнинг рангтасвир технологияси қандай бўлган?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York. - 2003.
2. Andrew Paquette. An Introduction to Compyuter Graphic for Artist.- Springer Publihing Company, Incorporated, USA 2013
3. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception:A Psychology of the Creative Eye.- Univercity of Californiya Press, USA 2004

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс.

1. Ёш рассомларни чизматасвир назарияси асослари, переспектива, ёруғлар, ярим соялар, рефлекслар ва соялар назарияси ҳамда чизматасвирнинг техника ва технологияси хақида таништириб бориш;

2. Миллий натюрмортни тасвирий санъат ўқитишнинг замонавий технологиясини қўлланилишини тушунтириш;



3. Келажакдаги мустақил ишлар асосини яратиш учун ёш рассомларга амалий машғулотлар асосида зарурий билимларни бериш.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- ёш рассомларга амалий машғулотлар асосида зарурий билимларни бериш.

Гипсдан ишланган одам боши топшириқлар дастури:

1. Тингловчига тасвирланаётган буюмларнинг текислик ва кенгликларига тушаётган ёруғликлар ва улардаги тусларнинг хусусиятларини бир-бирига алоқадорлигини ҳисобга олишни тушунтириш;



2. Ёш рассомларни чизматасвир назарияси асослари, переспектива, ёруғлар, ярим соялар, рефлекслар ва соялар назарияси ҳамда чизматасвирнинг техника ва технологияси хақида таништириб бориш;

3. Келажакдаги мустақил ишлар асосини яратиш учун ёш рассомларга амалий машғулотлар асосида зарурий билимларни бериш.

Машғулот пайтида:

Тингловчи ва талабаларнинг асосий ва юқори амалий билимлардан қониқиш ҳосил қилишлари учун ўқув устахонаси керакли ёруғлик ва чизматасвирда қўлланиладиган зарур жиҳозлар билан таъминланиши керак.

Тасвирий санъатда ишлатиладиган ашёлар;

ҳар хил юмшоқликдаги оддий графитли қаламлар, кўмир, соус, сагина.

- планшет, қоғоз, ўчиргич.
- чизматасвир ишлаш учун дастгоҳ (мольберт).

3-илова



ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ ВА КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛИНИ - гуруҳларга қўллаш, ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ ВА КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ.

1-гуруҳ


Интеръер, композицияси мавзусида ишлаш замонавий педагогик технологияларни изоҳланг.

2-гуруҳ

Интеръер композицияси мавзусида ишлаш замонавий педагогик технологияларда тасвирлаш.

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Перспектива турлари.		
Чизиқли перспектива	Фазовий перспектива	Перспективада тасвирни ўзлаштириш:
Гиометрик қурилиш услубида	Тасвирий санъат тур ва жанр, асарларида кузатувчидан узоқлашган сари ҳаво мухити таъсирида тус ва рангларни ўзлаштиришни ўрганади.	Уфқ чизиғи, кесишиш нуқтаси, картина текислиги, кўриш нуқтаси, кўриш майдони



КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ

Интерьер, композицияси мавзусида ишлаш	Интерьерда, тоифалар, ажралиб турадиган белгилар ва шу кабилар	
	Педагогик вазифа	Амалга ошириладиган ишлар
Интерьер, композицияда тўғри кўриш идрокини ривожлантириш	Интерьерда ранг, шакллар ва миқдор, ўлчамни билиш	Хонадаги ички кўринишни тўғри топиш, Интерьер, композициясида ишлаш нотўғри жойлашган буюмларни аниқлаш, хонадаги буюмларни етмаган элементларини тасвирлаш.
Кўриш хотираси ҳажмини кенгайтириш ва уни аниқлаштириш	Хонадаги буюмларни шаклларни эслаб қолиш	Столга 5-6 та интерьерни тасвири асосида расмлар кўйилади, буни талабалар эслаб қолишлари керак, сўнг расмлардан бири олиб кўйилади талабалар расмларни қайта кўриб, қайси расм йўқлигини топишлари керак.
Фазовий тасаввурларни шакллантириш	Ўнг, чап, ён, орқа, олд, баланд, паст каби фазовий мўлжал олиш	Перспективада чап томонида қандай предметлар борлиғни кўрсатишни тақлиф этиш: хонани деразалари қайси томонингда турибди, эшик, шкаф қайси томонида турибди, стол ва стулларни жойланишини текшириш.

Кўриш анализи ва синтезини ривожлантириш	Тасвирлашда интерьерни элементларини кўриб анализи ва синтезини ривожлантириш ва тасвирлаш	Кўрсатилган интерьерда перспективани чизилган лойҳада кўрсатинг, - Хонани ички жихозланишини кўрсатинг.
--	--	--

“Ақлий ҳужум” методи

Ақлий ҳужум усули

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Саволлар:

1. Хорижий мамлакатларни санъат соҳасида ва кадрлар тайёрлаш тизими соҳасида нималарни биласиз?
2. Талабаларни касбга йўналтиришда ташаббускорлик ва ижодкорликнинг қандай аҳамияти бор?
3. Хорижда тасвирий ва амалий санъат соҳасида қандай янгиликлар бор?
4. Санъат соҳаси, таълим тарбияси, ислохотлар, ютуқ ва камчилик ҳақида қандай фикрдасиз?
5. Хориж ва Ўзбекистон ижодкорлари ўртасидаги ҳамкорликлар ҳақида фикрингиз?



2-Слайд



3-Слайд



Тавсия қилинаётган тасвирлар ўзбек халқ амалий безак санъати билан мўжаз рангтасвир – миниатюра санъатининг уйғунлашувига ойдинлик киритади

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши дирасида реферат ёки курс ишини тайёрлайди.

Мустақил иш талаблари ҳар бир тингловчи ўзи танлаган рассом ижоди ёки бадиий асар тақдимотини тайёрлайди.

Мустақил иш тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- Сарварақ;
- аннотация;
- мундарижа;
- асосий қисм: назарий таҳлил;
- иллюстрациялар иловаси;
- хулоса;;

- глоссарий;
- адабиётлар рўйхати.

Кейслар банки;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Мустақил иш мавзулари

1. Тасвирий ва амалий санъатнинг тур ва жанрларнинг кўринишлари.
2. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши.
3. Тасвирий образнинг таҳлил қилиш жараёни ва бошқариш услублари.
4. Тасвир ечим устида ишлаш (Қаламтасвир услубларини қўллаш мисолида).
5. Тасвир ечим устида ишлаш (Амалий санъат мисолида).
6. Тасвир ечим устида ишлаш (Ранг тасвир услубларини қўллаш мисолида).
7. Тасвирий ва амалий санъат принциплари.
8. Хорижий мамлакатларнинг санъат соҳасидаги таълим-тарбия тизими.
9. Тасвирий ва амалий санъат фанларининг ривожланиш жараёнлари ва воситалари.
10. Ижодий изланиш жараёнлари ҳақида (Линагравюра техникаси мисолида).
11. Тасвирий ва амалий санъат фанлари предметида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш.
12. Тасвирий ва амалий санъат фанларини ўқитишда замонавий машқ ва услублардан фойдаланиш.
13. Тасвирий ва амалий санъат фанларини ўқитишда инновацион педагогик усулларни қўллаш.
14. Тасвирий ва амалий санъат фанларини ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибалари мисолида.
15. Наққошлик машғулотида композиция қонун қоидаларидан фойдаланиш.
16. Бўлажак мусаввирларни тайёрлашда ихтисослик фанларини ўқитишнинг инновацион технологиялари. “Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши” .

17. Бадиий таълимда етук мутахасисларни тайёрлашда “илми қиёфа”ни тутган ўрни.
18. “Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши”.
19. Китоб графикасида композиция (Мактаб ёшигача бўлган болалар учун: эртақ, масал, китоблари мисолида).
20. Бухоро тасвири (рангтасвир мисолида).
21. Ижодий изланишлар жараёни (Бухоро зардўзлиги мисолида).
22. Тасвирий санъатда натюрморт композициясини бажариш.
23. Қишлоқ манзарасини яратишда тасвир ва ранглар ечими устида ишлаш.
24. Муаммоли вазият. (Плакат композицияси турлари мисолида).

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглизтилидаги шарҳи
Агитплакат	ташвиқот-плакат тури.	propaganda posters
Академизм	академик услубга оид бадиий ёъналиш.	academic style of art direction
Аллегория	мажозий тасвир	word picture
Алфреско	деворий расм ишлаш усулларида бир тури.	the wall is a type of image processing methods
Анималжанр-	Ҳайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат тури	wildlife, fine arts jonivorlarnitasvirlovchi
Антик санъат	қадимги деган маънони билдиради. Қадимги Юнон, Рим санъати	The oldest means. In ancient Greek, Roman art
Архитектоника	мутаносиблик.	proportionality.
Атлант	осмон гумбазини елкасига кўтариб турувчи қадимги Юнон афсонавий паҳлавони.	He vault of heaven on his shoulder and carrying an ancient Greek mythical hero.
Атрибуция	асарнинг ким, қачон, қаерда яратганлиги ва бошқа белгиларини аниқлаш	work who, when, where and made other signs
Барбизонликлар	Франциядаги фонтенбло ёнида жойлашган барбизон қишлоғи номи билан аталган бир гуруҳ рассомлар ижодининг ўзига хос хусусиятлари	French fontenblo yonidajoylashgan named after the village of Barbizon, a group of artists

	билан белгиланадиган бадий мактаб йўналиши.	which is determined by the specific characteristics of the artistic direction of the school
Барельеф	бўртма тасвир	relief image
Деталлаштириш	батафсиллик, икир-чикирга эътибор бериш	pay attention to the wishes detail
Рангтасвир	турли хил бўёқлар ёрдамида ишланадиган сурат, асарлар.	converted using different paints picture books
Чизматасвир	тезлик билан дастлабки таасуротларга асосланиб ишланадиган оқ қора тасвир.	Based on first impressions quickly converted to black and white image
Рефлекс	ёруғлик ёки ранг шуъласи (у бирор нарсага атрофидаги нарсалардан ёғдуланиб тушади, аксланади).	the lighting or the color of light (what is around it is something moonlight, echoes).
Натюрморт	французча-жонсиз табиат.	French inanimate nature
Экибана	бадий композиция тузиш	to create artistic composition
Дизайн	расм чизиш маъносини билдиради, «Дизайн» – форма яъни, шакл яратиш тушунчасини беради.	drawing means, Design - that is, the concept of form.
Витраж	рангли ойна шишалардан ишланган рангли композиция.	colored glass colored glass composition.
Фреска	лойсувоқ юзасига ишланган деворий суръат	rapidly converted into the surface of the clay wall
Спектр	бўёқ хиллари, рангларнинг хусусиятлари	Hillary paint color
Графика	қора қалам ёки қора бўёқдан ишланадиган тасвир, асар.	black image converted to black ink or pencil, trace
Мато	рангтасвир асарини ишлашда фойдаланадиган материал	the operation of the painting material
Графика	Санаътнинг кенг тарқалган турларидан бири. Бу санъатга оддий қорақаламда чизилган сурат, мавзули композиция, Китобга ишланган турли суратлар, безакрасмлардир.	Art is one of the common types. This simple drawing qoraqalamda art images, thematic composition, Shtobga made a variety of

		paintings, decorative pictures.
Натюрморт	жонсиз табиат демакдир	means of inanimate nature
Анималист	(лотинча «ашта» хайвон) - хайвонларни тасвирловчи рассом.	(Latin Ashton animal) - Animals depiction of the artist.
Гризайл	(Французча <i>gris</i> – бир хил рангда мўйқалам ёрдамида бажарилган тасвирий асар)	(French gris - works of art using the brush in a different color)

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. 2017 йил

3. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. 2017 йил

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда қурамиз.2017 йил

5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000.

2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсульмиз, 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001.

3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. - Т.: 2008.-176 б.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”. -Т.: 2011.-440 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Махсус адабиётлар

1. Булатов С. Тасвирий ва амалий санъат асарларини фалсафий-психологик таҳлили. - Т., 2010
2. Тасвирий ва амалий санъат методикасининг баъзи масалалари. - т., 1975
3. Тасвирий санъат амалиётида педагогларни тайёрлаш. - Т., 2006
4. Блейк В. Как рисовать фигуру человека. 2005. – 165 с.
5. Худайберганов Р.А. Рангшунослик асослари. – Т.: Ф. Гулом нашриёти. 2006. – 220 б.
6. Худайберганов Р.А. Композиция. - Т. Шарқ, 2007. – 235 б.
7. Худайберганов Р.А. Маҳобатли рангтасвир техника ва технологияси. - Т.: Фан ва технология нашриёти. - 2015. – 130 б.
8. Муинов О. Рангтасвир. - Т. Шарқ нашриёти, 2008. – 195 б.
9. Deborah A. Rockman. The Art of Teaching Art: A Guide for Teaching and Learning the Foundations of Drawing-Based Art. - Oxford University Press, England 2000
10. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphic for Artist. - Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013
11. Salvatore Greco. Multiple Criteria Decision Analysis: State of the Art Surveys. - Springer - Verlag New York, USA, 2005
12. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye. - University of California Press, USA 2004
13. Charles Soulby. Art and Design: Intermediate and Advanced Level (Art & Design GNVQ). – Longman, England 1995
14. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbiling. Art marketing. - Paperback Germany, 2004.

15. «Art and Design: Intermediate and Advanced Level» Muallif: Klaus Rayxold, Bernhard Граф. - Нашриёт: «Престел Энгланд» Англия, 2003. ISBN(13 рақам): 978 - 3791329864

Интернет сайтлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:
www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Ахборот - коммуникация технологиялари изоҳли луғати, 2004,
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. www.ziyonet.uz.
6. Ахборот - ресурс маркази <http://www.atsc.uz/>
7. www.edu.uz
8. www.pedagog.uz
9. www.dsmi.uz
10. www.bimm.uz